БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 апрель Жума

№81 (13. 517) Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ УРАЛ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАРИ

Свердловск, 25 апрель (ТАСС махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев бугун мамлакатимизнинг энг катта саноат ва илмий марказларидан бирига келди.

Свердловск аэропортида Михаил Сергеевични вилоят раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар. Русларга хос анъанавий меҳмондўстлик кўрсатилди.

Президент СССР Федерацияси кенгаши ва Президентлик кенгашининг қўшма мажлисида мамлакатни бошқариб туриладиган бозор хўжалигига ўтказиш йўллари муҳокама қилинганидан сўнг бир ҳафта ўтгач Уралга келди. Ушбу ҳаракатномани, М. С. Горбачев таъкидлаганидек, қайта қуришдан манфаатдор барча кучларни жипслаштирмасдан, меҳнат жамоалари билан батафсил маслаҳатлашмасдан бажариш мумкин эмас.

Уралини ҳақли равишда давлатимизнинг таянч қалқони деб атайдилар. Бу музофот — Ватанимиз оғир саноатининг карвонбошиси, битмас-туганмас табиий бойликлари, ўз усталарининг истеъдоди билан шуҳрат топган ўлкадир. Меҳнат аҳли билан маслаҳатлашиш, уларнинг жамиятимиз турмуши туб қатламларига тааллуқли қайта қуриш жараёнларини қандай қилиб жадаллаштириш кераклиги хусусидаги фикрлари Президент учун муҳимдир, чунки улар миллионлаб совет кишиларининг фикр-ўйлари ва орзу-умидларини акс эттиради.

Ўтган беш йилликда Свердловск шаҳри ва вилоятининг ҳаётида кўп ўзгаришлар бўлди. Ижтимоий масалаларга, иқтисодий муаммоларга аввалгига қараганда кўпроқ эътибор берилаётган бўлса-да, уларни жиддий ва танқидий таҳлил этиш учун ураликлар етарли асосга эгадирлар. Йил бошида вилоят хўжалик ҳисобига ўтган эди, лекин у, оқсаб қолмоқда. Уй-жой билан боғлиқ аҳвол мураккаб бўлиб қолмоқда, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари етарли эмаслиги кўриниб турибди.

Вужудга келган аҳволдан қутулишнинг йўли борми? Кучларни қайта қуришнинг ҳал қилувчи йўналишларига жамлаш, асоссиз равишда чўзилиб кетган ўтиш даврини қисқартириш, иқтисодий ислоҳотни жадаллаштиришга омил бағишлаш учун кучларни қай тариқа жипслаштириш керак? — Президентнинг «Уралмаш» ишчилари билан бошланган суҳбатларидаёқ асосий муаммога айланган масалаларнинг доираси ана шундан иборат бўлди.

Улкан машинасозлик корхонасининг шон-шуҳрати, 50 минг кишилик жамоасининг ўзига хос амалий ишлари мамлакатимизнинг ҳамма ерлагина эмас, айни вақтда чет элларда ҳам маълумдир. Ўрмаловчи, кон қазувчи экскаваторлар ва халқ истеъмоли моллари, бурғулаш қурилмалари ва узлуксиз қуйилма машиналари — бу йил ана шу бутун маҳсулотнинг умумий қиймати 600 миллион сўмдан ошиб кетди.

Президент «Уралмаш»нинг бош заводига келган дақиқаларда корхона темир йўлларидан бутундай янги хилдаги бурғулаш қурилмаси ускуналарининг сўнгги туркумини ортиб жўнатдилар. Бу техника Каспий бўйи нефтчиларининг ўн километр чуқурликда олиб бориладиган ишларда илғор технологияни қўлланишига ёрдам беради.

Маҳсулот етказиб бериш муддатлари аниқ бажарилди. Сўз ва иш бирлиги свердловсклик машинасозларнинг иш услубидир. Лекин ташвишли хабарлар ҳам пайдо бўлди: Бирлашма ўтган йили шартномавий мажбуриятларни тўла бажара олмади. Бу фақат шериклар айби билангина рўй бергани йўқ: «Уралмаш»ни техникавий жиҳатдан тубдан қайта жиҳозлаш керак. Бунда сусткашлик қилиш мумкин эмас.

Аммо улкан саноат корхонаси ўтиб ишлаётган хўжалик ҳисоби принциплари қаршиликка дуч келди. Корхона идораларнинг амрига бўйсунмай, улар билан низолаша бошлади. Натижада машинасозлар ўтган йили ишлаб топган 136 миллион сўм фойда энг асосий иш корхонани тубдан янгилаш учун етмай қолди.

Шундай бўлгач, иқтисодиётни «ўлик нуқта»дан қандай қилиб силжитиш мумкин? Силжитиш эса зарур — мазкур вазифа бугун қайта қуриш учун асосий вазифага айланди. Меҳнат жамоаларининг ушбу масалани ҳал этишни жадаллаштиришдаги имкониятлари қандай? — Энг эски цехлардан бири — темирчилик-пресслаш цехида ана шу ҳақда ошкора, баъзида ўткир фикрлашув бошланиб кетди.

Президент шу ернинг ўзида, «Уралмаш»да яратилган тўрт тонналик пресcни ишлаётган бригада аъзолари билан танишади. Операторлар М. С. Горбачевга цех жамоаси ишни тўхтатмасдан — ишлаб чиқариш туркумининг ўзига хос хусусияти шундай — топшириқни сўзсиз бажаришга эришиш учун ўз кучларини қандай тақсимлаётгани ҳақида гапириб бердилар. Биз бунга катта қийинчилик билан эришаяпмиз, дейишди улар, бироқ бошқача бўлиши мумкин эмас — давр иложи борича кўпроқ куч-ғайрат сарфлашни талаб этмоқда. Шундай қилиб ўзингни бутунлай ишга бағишлашга тўғри келяпти.

Бригада аъзоларидан бири — партиясиз, асли уралик, насл-насаби ишчи, икки фарзанднинг отаси, тўртинчи разрядли темирчи, 33 ёшли Николай Ладушин ҳаётга ёндашувини шундай ифодалади:

— Биз ҳозир бошқаларга эмас, фақат ўзимизга ишонишимиз керак. Буни ҳамма тушуниши муҳимдир. Митинглар билан, маҳмаданалик билан, иш ташлашлар билан мамлакатни қутқариб бўлмайди. Ҳар бир киши, ҳар бир жамоа виждонан ишлаши, ўзибўларчиликка йўл қўймаслиги керак. Ана ўшанда иш ҳақимиз ҳам баракали бўлади. Миллионлаб совет кишилари мамлакат иқтисодиётини соғломлаштиришга, туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишга шундай ҳисса қўшишлари керак. «Юқоридан» буни амалга оширишга қаратилган тадбирлар ҳар бир иш жойида мустаҳкамланмоғи лозим.

Ишда яхши кайфият бўлмаса, энг зўр туб режаларни ҳам рўёбга чиқара олмайсан. «Уралмаш»да ишчи кайфияти тўғрисида суҳбат бўлганлиги ҳам қонуний ҳолдир.

— Мен, деди М. С. Горбачев, — инсон руҳан бардам экан, уни жисмонан бука олмайдилар, йўлдан ҳам тойдира олмайдилар, деб ҳисоблайман. Ҳозир кўп нарсаларни ойдинлаштирадиган даврдир. Анча нарсаларни аниқлаб ҳам олдик, Митинглардан ишга ўтяпмиз. Бу борада ҳам ишимиз кўп. Акс ҳолда фақат гапларга кўмилиб кетамиз. Ҳозир ўзгаришлар сари қатъий бурила бошлаймиз, деб ўйлайман.

Лекин бир ёқадан бош чиқариб бурилиш қилиш керак, деб сўзида давом этди Президент. Агар сиз бурилиш тарафдори бўлмасангиз, ҳеч нарса бўлмайди. Шундай катта мамлакатни буриб юбориш жўн иш эмас. Шундай бурилиш қилиш керакки, ҳамма нарса бузилиб кетмасин. Кўп нарсаларни алмаштиришга, олиб ташлашга тўғри келади, лекин уларни охиригача олиб ташламаслик керак.

Ҳозир таяниш мумкин бўлган ҳамма нарса бор. Қудратли ишлаб чиқариш базаси бор, лекин уни замонавийлаштириш даркор. Етарли илмий имкониятлар ҳам бор. Одамларимиз маълумотли, лекин уларга омиллар ҳам, масъулият ҳам етишмаяпти. Бир томондан, одам ишга бошқачароқ муносабатда бўлиши учун омиллар керак. Иккинчи томондан эса омиллар осонлик билан пайдо бўлмайди, чунки феъл-атворимиз ўн йиллар мобайнида шаклланган.

Президент ишчиларга шундай савол билан мурожаат этди:

— Сиз қандай ўйлайсиз? Келинглар, шу ҳақда ҳозир ошкора фикрлашиб олайлик. Акс ҳолда бўлмайди. Яхши яшашга қарор қилдикми, демак ҳамма нарсани ўзгартириш зарур. Уни ўзимиздан бошлашимиз керак. Агар ўзимизни ўзгартирмасак, турмуш ўзгармайди.

Сўнгра бошланган қизғин суҳбатда ишчилар ўзгаришларни тартиб ўрнатишдан бошлаш ўткир зарурат эканлигини таъкидладилар. Хўжалик ҳисоби чинакамига амал қилмаяпти. Штурмчилик авж олмоқда. Яна: свердловскликлар магазинларда ҳатто ўзлари ишлаб чиқарган нарсалар сотилаётганини кўришмаяпти. Хуллас, бозор муносабатларига ҳозирча анъанавий маъмуриятчилик тўсиқлари ҳалақит бермоқда. Шу сабабли, дейишди суҳбат қатнашчилари, ўз меҳнатимизнинг реал самарасини сезмаяпмиз.

Пайванд асбоблари ишлаб чиқариш корхонасининг даволаш-соғломлаштириш комплексини кўздан кечириб, «Кулинария» магазинида бўлинганидан кейин бирлашма территориясида яна суҳбат бошланади.

Уралмашчилар савдо-тақсимлаш муносабатлари системасига эътироз билдирдилар. Нима учун бизнинг экскаваторларимиз, бурғулаш машиналаримиз, вагонларимиз бутун иттифоқ бозорига бир маромда келиб турибдию, Воронеж ва Вильнюс телевизорлари, Москва ва Саратов холодильниклари, бошқа молларнинг Свердловскда уруғи куриб кетган? деб сўрашди улар. Наҳотки мамлакатдаги барча заводлар тўхтаб қолган бўлса? Ахир, биз Уралда ишлаяпмизку, яна чакки ишламаяпмиз.

Пўлат эритувчилардан бири олдин луқма ташлаб, ҳаммани кулдирди:

— Ҳайрият янги «Байрамга» ҳам етиб келдик: кеча цехда лаб бўёқ тақсимлашди...

Лекин ана шу ҳазилдан сўнг биздаги товар танқислиги сабаблари, дуч келган нарсани харид қилиш каби бирданига пайдо бўлиладиган нарсалар тўғрисида чуқур ва жиддий гап бошланди. Бундай танглик пештахталардан лаб бўёқдан тортиб холодильниккача ҳаммасини супуриб кетди.

— Сизларни ҳаяжонга солаётган нарсалар, — деди М. С. Горбачев, — мени ҳам ташвишга солмоқда. Кўп муаммолар тўпланиб қолган, албатта. Бинобарин, уларни асосли равишда, ҳаммамиз биргалашиб ҳал қилишимиз керак. Биз ҳозир шунга яқинлашмоқдамиз, барча корхоналарни, ҳар бир кишини иқтисодий ислоҳотга жалб этиш учун структуравий ўзгаришларни қилмоқдамиз. Бизга жуда оғир мерос қолган, давр эса кескин бурилиш зарурлигини тақозо эта бошлади.

Ҳозир янги нархлар, шу жумладан, оғир саноатда амал қилаётган нархлар лойиҳасини тайёрлаш юзасидан катта иш қилинди. Бу ишда, деб давом этди Президент, жадаллаштиришни тайёрлашда корхоналарнинг ўзлари иштирок этишларини хоҳлаймиз. Буларнинг ҳаммасини биз биргаликда ҳал этишимиз лозим, бунинг учун эса 6 — 8 ой ичида иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш масалаларини биргаликда ишлаб чиқишимиз керак.

Хуллас, ҳозир кимдир нархларнинг янги сиёсати билан сизларни «фалаж этиб даволамоқчи» бўлишаяпти деган ғояни тиқиштиришса, бунга ишонманглар. Биз бу ишларни бозор учун эмас, балки бозор орқали, корхоналарнинг мустақиллигини ошириш орқали, янги ишлаб чиқариш алоқалари, ҳар бир кишининг хўжалик соҳасидаги ташаббуси орқали иқтисодиётни янгилашнинг янги даражасига чиқиб олиш учун қилаяпмиз. Ислоҳотнинг барча асосий масалалари юзасидан ишчилар синфи билан маслаҳатлашамиз, деб келишиб олган эдик. Бу эса сизлар билан учрашувимнинг асосий вазифаларидан биридир.

Суҳбат мавзуси умуман мамлакатдаги нарх-наво ислоҳотидан «кўча нархлари»га, яъни ўша олибсотарларга, ҳамма жойда, шу жумладан Свердловскдаги мевафурушларга ўтади.

— Нима учун уралмашликларнинг ўзлари депутатлар билан биргаликда бундай кооперативлар масаласини ҳал қилиша олмайди? — деб сўрайди Михаил Сергеевич.

Ишчилар Президентга берган саволлар орасида бундай савол ҳам бор эди:

— Уралга келишингиз натижасида бизнинг ҳаётимизда яхшилик сари ўзгариш бўлади, деб умид қилиш мумкинми?

— Сафарим Урал тўғрисидаги тасаввуримни бойитади, деб умид қилаяпман, — деб жавоб қилди Михаил Сергеевич, бир томондан бу — мамлакатимизнинг умуртқасидир. Бу ўлканинг одамлари фақат Россия Федерациясига эмас, балки бутун мамлакатга жуда муҳим, керакли буюмларни етказиб беришмоқда. Бу ерда оғир саноат мужассамлашган. Бу равшан. Иккинчи томондан, ўлканинг хиссаси жуда катта, ривожланиши эса орқада қолган. Оғир саноатга жамғармалар сарфланаверди, мудофаа саноати кучайтирилаверди, ижтимоий соҳа эса бошқа суръатлар билан ривожланди, бунинг устига экология муаммолари ҳам тўпланиб қолди. Шунинг учун ҳам биз ҳаммамиз вазиятни идрок этишимиз ва сабоқларни ҳисобга олишимиз, келгуси беш йилликка режалар тузаётганимизда хулоса чиқариб олишимиз лозим бўлади, деб ўйлайман. Бу ерда иш Урал кўпроқ инсонга хизмат қилиши учун олиб борилиши лозим. Агар Уралга хўжалик жиҳатидан катта мустақиллик бериб қўйилса у ҳамма нарсани керакли томонга буриб юбора олади, кўп иш қила олади.

Ҳақиқатда, нима бўлаяпти: бу жойда ер кўп эмас, у сизлар учун қимматбаҳо бойлик. Аммо, ана шу ер ардоқланмаган. Бу ерда ҳар сигирдан 5 минг литрдан сут олиш учун, ҳосил юқори бўлиши учун ҳам ҳамма нарсани ардоқлаш керак. Натижа бериши учун ерни даволаш ва ардоқлаш керак.

Берилган саволнинг моҳиятига келганда мен ҳозир ҳеч нарсани ваъда қила олмайман, деб давом этди М. С. Горбачев, бу хусусда ваъда беришим ноўрин бўлур эди, деб ўйлайман. Лекин шу нарса ҳақиқатки, Москвада вужудга келган таассуротни мен шу ерда текширяпман. Сизлардан жиддий эътирозларни, ҳақли танқидни эшитаяпман.

М. С. Горбачев корхоналар билан танишиб чиққач, завод бошқармаси биносида бирлашма ишчилари, инженер-техник ходимлари, меҳнат коллективи кенгаши вакиллари, партия фаоллари билан учрашди.

Учрашув ҳақидаги батафсил ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

Заводда бўлган чоғида М. С. Горбачев «Уралмаш»да ишлаб чиқариладиган халқ истеъмол моллари кўргазмасини кўздан кечирди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига номзод, РСФСР Министрлар Совети Раиси А. В. Власов, СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси В. А. Ярин, КПСС Марказий Комитетининг секретари О. Д. Бакланов, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари А. П. Гусев, халқ депутатлари область Советининг раиси В. М. Власов «Уралмаш»да М. С. Горбачев билан бирга бўлдилар.



Чигит экиш, кошинкорлар ишидан машаққатли, айни пайтда мураккаб жараён. Қуёшни кутасан. Гоҳ ташвиш билан осмонга қарайсан, ёмғир томчиламасин-да ишқилиб, дейсан куюниб. Бир кун олдин ерга уруғ қадасанг, ўзингга фойда-да!

Мана бу йигитлар ҳам шу ташвишда. Уларнинг томошахонаси, футбол майдони-ю, дам олиш масканлари — дала, кенг майдонлар, ризқ-рўз берадиган ерлар. Чанг ютиб, заҳарли дорилар ҳидидан бошлари оғриб, меҳнат қиляптилар. Ҳозир улар оилавий звено асосида иш юритишга ўтишган. Бирни икки қилиш ўзларининг қўлларида. Ҳар иккисининг ҳам орзулари мўл. Орзуга етиш учун кўп нарса керак. Буларнинг ҳаммаси катта ва қаттиқ меҳнатлар эвазига келади. Лекин ҳар қандай ишнинг бошланиши қийин. Чигитни ўз пайтида ерга қадаб олишса, қолганини эплашади.

Суратда: Арнасой ноҳиясидаги Васильев номли давлат хўжалиги 1-бригадасининг оилавий звено механизатори Абдумутал Асқаров сеялкачи Долижон Йўлибоев билан.

У. ҚЎШВОҚОВ сурати.

«БУНЁДКОР ТАЛАБА» ЙЎЛГА ЧИҚДИ!

ҲУРМАТЛИ муштарий!

Мана ёзги таътил олдидан кичик бир уриниш билан анъанавий саҳифа — «Бунёдкор талаба» (аввалги йилларда — «Студент — бунёдкор» эди)нинг 1990 йилга мўлжалланган ўнта сонининг биринчисини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Бу саҳифа ўтмишдошларидан бирмунча фарқ қилади. Энди унда нафақат олий ўқув юрти талабаларининг ёз ойларида амалга оширадиган бунёдгорлик ишлари, кашшофлар лагерлари ва турар жойлардаги фаолиятигина эмас, шу билан бирга мактаб ўқувчилари таътил чоғида дуч келадиган қувонч-ташвишлар ҳам муттасил ёритилади. Яъни, ўқувчилар меҳнат бирлашмалари — «Меҳнат-роҳат» лагерлари, ўқув комбинатлари, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари... ютуқлари ва улар дуч келаётган муаммолар ҳам «Бунёдкор талаба» саҳифасидан муносиб ўрин эгаллайди.

Кўриб турибсизки, мазкур саҳифа кўлами жиҳатидан анча кенгайган. Бинобарин, бу юмушларни фақат редакция ходимлари ва бу саҳифага мутасаддилик қилишни зиммасига олган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби аъзоларининг ўзлари, сиз азиз муштарийлар ёрдамига суянмай туриб кўнгилдагидек бажаролмайдилар. Шунинг учун ҳам қараб турмайсизлар, қўлдан келганча кўмаклашасизлар, ёзги таътилимизнинг яхши ва ёмон томонларини холис ёритишга ўз ҳиссангизни қўшасизлар, деб умид билдирамиз.

«Бунёдкор талаба» саҳифаси материалларини ўқиш учун

2-бетга қаранг!

ТАҚЧИЛЛИКНИ ЕНГИШ ЙЎЛИДАН

Ўзбекистон металлургия заводи қишлоқ ноҳиялари учун сув ва газ қувурлари ишлаб чиқарадиган бўлди. СССР Металлургия вазирлиги билан Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ушбу масалани меҳнат жамоаси билан муҳокама этганидан сўнг шундай қарор қабул қилди. Металлурглар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб янги цехни 1991 йилнинг охирида ишга туширадиган бўлдилар.

Корхонада янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун бир қанча лойиҳаларни муҳокама қилдилар. Қувурларни электр ёрдами билан пайвандлайдиган қурилма яратган Новолипецк металлургларининг таклифи афзал кўрилди.

Механик ускуналарни ремонт қилиш учун қурилаётган устахоналардан янги ишлаб чиқаришда фойдаланишга қарор қилинди. Агрегат қурилиши учун икки ярим миллион сўмга яқин пул сарфланади. У йилига 12—15 минг тонна пайвандланган сув ва газ қувурларини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Бекобод.

Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи XXI съездининг ҳужжатлари

ВЛКСМнинг ҳаракатномавий мақсадлари

Мазкур ҳужжат ҳозирги босқичда комсомолнинг вазифалари ва ишларининг ўзига хослиги билан белгиланадиган ёшлар иттифоқимизни ривожлантиришда ўтиш даврига мўлжалланган.

ВЛКСМ учун асос солувчи йўналиш эркинлик ва адолат, инсонпарварлик ва инсоний бирдамлик, ҳар бир фуқаро эркин ривожланиши ҳамма фуқаролар эркин ривожланишининг шарти бўлган, инсон эса сиёсий ва ижтимоий қайта қуришнинг олий мазмуни бўлган жамиятга интилишидан иборатдир.

Ташкилот янгиланишининг зарурий шартлари:

— узоқ йиллар мобайнида шаклланган догма ва бир қолипдаги дунёқарашдан;

— ёшларни бошқаришда иттифоқимизни итоаткор қуролга айлантирган, комсомолни давлатлаштиришдан;

— ёшлар ташкилотининг мустақил характерини йўққа чиқариб қўйишга олиб келадиган фирқа тузилмалари ва усулларидан кўр-кўрона нусха кўчиришдан;

— асосий вазифаси фақат тарбиядан иборат сифатида қарашдан;

— ички иттифоқ демократиясини эзиб қўювчи ва ҳар бир иттифоқ аъзоси шахсининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи комсомол моделидан қатъиян воз кечиш ҳисобланади.

ВЛКСМда ғоявий бирлик асоси марксизм назариясини ижодий ривожлантириш, умуминсоний қадриятларнинг устунлигини эътироф этиш; замонавий социалистик тафаккурга эришиш ҳисобланади.

Энг асосий мақсадлар:

— инсоннинг эркин камол топиши, унинг ижодий имкониятлари намоён бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш, ташкилот аъзоларининг мамлакат йигит-қизларининг манфаатларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рўёбга чиқариш;

— демократик инсонпарвар социалистик жамиятни яратишга, мамлакатни чинакам федератив ҳуқуқий демократик давлат ҳолатига ўтказишга, ана шу ўтишни зўравонликсиз парламент йўли билан амалга оширишга кўмаклашиш ҳисобланади.

Иттифоқимизнинг ўз ҳаракатномавий вазифаларини уч сўз билан ифодалаш мумкин: ҚАТНАШИШ, РИВОЖЛАНИШ, ТИНЧЛИК.

I. ҚАТНАШИШ.

ВЛКСМ ўз аъзоларининг халқ ҳокимияти органлари — меҳнат жамоалари кенгашидан тортиб то халқ депутатлари Съездигача — фаолиятида қатнашишига эришади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда қатнаша бориб, қонун лойиҳаларини тақдим этиш ҳуқуқидан ва давлат ҳокимияти ҳамда ўзини-ўзи бошқариш жамоатчилик органларидаги вакилларидан фойдаланиб, иттифоқ:

— жамият ва ёшлар муаммоларини ҳал этишга ўзининг турини таклиф этади;

— КПСС сиёсатини ишлаб чиқишда ва рўёбга чиқаришда; ёшлар муаммоларини ҳал этиш билан банд бўлган бошқа ижтимоий-сиёсий ва давлат тузилмаларида фаол қатнашади;

— туб демократик қайта ўзгартиришларни амалга ошириш учун барча конструктив сиёсий кучларни бирлаштиришга эришади;

— ёшлар ва болалар ташкилотларининг фаолиятига давлат маблағлари ажратишини талаб этади.

Комсомол умуман демократия ва инсонпарварлик асосида В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилотини ва болалар ҳаракатини ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқади.

II. РИВОЖЛАНИШ.

ВЛКСМ ўзининг **давлат ёшлар сиёсати концепциясини** таклиф этади ва уни умумиттифоқ ва музофот даражасида амалга оширилишига эришади. **Ёшлар иттифоқи давлат ёшлар сиёсати тўғрисида комплекс акт қабул қилиниши тарафдори бўлиб чиқади.**

Ёшлар муаммолари билан шуғулланадиган давлат ҳокимияти органлари ва бошқармаларининг системаларини, унинг ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш системаларини ташкил этиш тарафдоридир. Ёшларга муносабатда миллий, тарихий ва ижтимоий-маданий ҳудудий ўзига хосликни эътиборга олувчи музофот сиёсати тарафдори. Федератив давлатда уни ўтказиш устидан жамоат назорати тарафдори.

Таълим соҳасида. Таълимни жамиятни янгилаш устунлиги ва шарти сифатида эътироф этиш. Маорифга маблағ ажратишни кўпайтириш. Исталган очиқ ахборот манбаидан эркин фойдаланиш имконияти, мамлакатда ва хорижда таълим олишнинг ранг-баранглиги ва эркин танланиши. «XXI аср интеллекти» умумдавлат ҳаракатномасини ишлаб чиқиш.

Маданият соҳасида. Ёшларнинг жаҳон ва мамлакат маданияти бойликларидан эркин, кенг фойдаланиши. Ана шу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Ижод эркинлиги. Тенг ривожланиш, миллий маданиятларни қайта тиклаш давлат жамият ҳаракатномасини ишлаб чиқиш.

Ижтимоий-иқтисодий соҳада. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш оилалар ва фуқароларга болалар туғилиши ёки долзарб ижтимоий ҳаракатномаларда қатнашишига қараб қарзларни қисман тўлаб бориш билан узоқ муддатли имтиёзли қарзлар бериш. Ёшлар уй-жой комплексларини, ёшлар учун якка тартибда ва жамоа тартибида уй-жойлар қуришни ривожлантириш. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёш ногиронлар ва болалигидан ногирон бўлиб қолганларга кўмаклашиш юзасидан янги, самарали нафақа системасини жорий қилиш. Ёшлар ташкилотлари ва уларнинг корхоналарига имтиёзли солиқ сиёсати.

Комсомол юзага келган иқтисодий шароитларда ўз фаолиятининг муҳим йўналишлари ёшларни иш билан банд қилиш деб ҳисоблайди.

Ана шу мақсадларда ВЛКСМ:

— йигит-қизларга биринчи навбатда иш ўрни кафолатланиши ҳуқуқини;

— малака ошириш, қайта тайёрлаш ва малакасини қайта кўриб чиқиш курсларининг кенг тармоғини ташкил этишни;

— ёшлар учун, шу жумладан ёшлар ташкилотларининг корхоналари ҳисобидан қўшимча иш ўринлари ташкил этишни;

— назарда тутилган иш вақтини қисқартиришдан қисман иш билан банд бўлиш системасини ташкил этишда иш ўринларини кўпайтириш ва олинадиган меҳнат ҳақи яшаш минимумини кафолатлашни;

— меҳнат ресурслари учун имтиёзли ҳақ тўлашни жорий этиш йўли билан ёшларни ишга қабул қилаётган корхоналарни рағбатлантиришни;

— ишсизларга нафақа тўлашни талаб этади.

Ёшлар учун ягона ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш ўзига қуйидаги марказларни олади:

— ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш;

— ишга жойлаштириш юзасидан ахборотлар;

— ҳуқуқий маслаҳатлар;

— ёшларни ижтимоий-руҳий кўниктириш.

ВЛКСМ ҳар бир йигит-қизда фуқаролик, ватанпарварлик, ўз Ватанининг ҳимоячиси хислатларини ривожлантириш тарафдори бўлиб чиқади. Комсомол ёшлар ҳарбий хизмат қилишида нормал шарт-шароитлар яратилишига, демократиялаштирилишига курашади.

III. ТИНЧЛИК.

Биз тинчлик тарафдори бўлиб чиқар эканмиз, унинг замирида:

— жамиятни **тинч йўл билан** янги ҳолатга **ўтишини**, фуқаро осойишталигини, барча сиёсий кучларнинг ривожланган ҳамжиҳатлилигини, ана шу жараёнда мамлакатимизнинг барча тараққийпарвар, демократик кучларнинг, шу жумладан, ёшларининг кафолатланган иштирок этишини;

— мамлакатнинг барча миллат ва элатлари ёшларида юксак **миллатлараро муносабат маданияти, ватанпарвар-байналмилаллик** хислатларини шакллантиришни;

— мамлакатимиз **ташқи дунёга очиқ бўлишини**, ғоялар ва ахборотлар эркин алмашинишини;

— зўравонлик, йўқ қилиб ташлаш хавфи ва экологик ҳалокатлардан халос бўлган **дунёни**, барча мамлакатлар ва халқларнинг умумий куч-ғайратлари билан кенг қамровли муаммоларни ҳал этишни;

— атроф-муҳитни **муҳофаза қилишни**, келгуси авлодлар учун табиатни сақлашни. Йирик иқтисодий лойиҳаларни очиқ муҳокама қилишни. Экологик экспертизалар, халқаро нормаларга мувофиқ келадиган ўлчашларни жорий қилишни. Бизни ўраб турган атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар ҳамма учун маълум бўлишини;

— **жаҳон ахборот кенглигини** тузишда қатнашишни англаймиз.

СССРда ҳам, шунингдек хорижда ҳам ўз тенгқурларимиз турмушига дунёга кенг қарашни шакллантиришга кўмаклашиш. Халқаро ёшлар саёҳатини, халқаро ёшлар алмашинишини ривожлантириш. Ёшлар алмашишларининг Европа, Осиё-Тинч океани ва бошқа музофот ҳаракатномаларида қатнашиш, шу жумладан, ёшлар учун «Интер рейл» халқаро транспорт имтиёзлари системасига ва таълим соҳасида интеграция ҳаракатномаларига мамлакатимизни қўшиш.

Совет ёшлари учун бошқа мамлакатларга эркин бориш ва келиш, ишга жойлашиш, стажеровка, таълим олишнинг реал имкониятлари ва ҳуқуқий кафолатларини яратиш.

Янги сиёсий мушоҳада қилишдан, дунёқарашда тоқат қилиш ва умум-инсоний қадриятлар устунлигидан келиб чиқиб, халқаро ёшлар ҳаракатида демократик кучларнинг жипслашишига кўмаклашиш. Ана шу асосда турли хил ёшлар кучларини **ёшларнинг ва кенг қамровли муаммоларнинг муҳокама этилиши учун Жаҳон анжумани сифатида янгиланган жаҳон фестивали ҳаракатига бирлаштириш.**

Турли сиёсий йўналишлардаги ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш, комсомол халқаро ёшлар ҳаракатларида сўл кучлар — ёш коммунистлар, социал-демократлар, социалистлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби саҳифаси

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 1 (164)

МУНОСАБАТ

ТАЛАБА УЧУН қанча маблағ керак ва у уни қаерда ишлаб топиши мумкин? Албатта, ушбу саволларга талабалар меҳнат таътилида ёки отрядда дейишлари аниқ. Шу боис Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти талабалари ҳам ёзги таътилни орзиқиб кутишади. Ва... истак билдирувчилар кўп бўлганлиги сабабли улар танлаб олинади. Бўлғуси педагоглар бир неча йилдан буён Астрахань вилоятининг Енотаевский ноҳиясидаги «Волжский» давлат хўжалигига ишлашга боришади.

— Аввалари ёзги таътилни «Фарғона» ноҳияси ҳудудидаги хўжаликларда ўтказардик, — дейди биз билан суҳбатда институт комсомол қўмитаси котиби Илёс Қодиров. — Энди билсак, у пайтларда бизни, меҳнатимизни қадрламас эканлар. Қаранг, биз имкониимиз даражасидаги ишларнигина сўрардик. Унчалик катта маҳорат талаб этмайдиганларини, албатта. Бетон қуйиш каби. Минг азоблар билан шартнома ҳам имзоланарди. Бироқ «ой эшикка келганида» шартномачиларимиз бизни «танимай» қолардилар. Иш билан таъмин этишмасди. Яшаш ва дам олиш шароити ҳақидаку, гапирмаса ҳам бўлади.

Натижада, талабаларимиз 45 кун тер тўкиб ҳемири ҳам ололмай, овораи-сарсон бўлиб юрардилар. Ҳатто улар орасида ишлаган пули еган овқатини қопламаган «қарздор»лар ҳам чиқиб қоларди. Шартномада кўрсатилган ишлар қолиб, ғўза қатор ораларига ишлов берардик. Ягана, чопиқ қилардик. Роса ишлардигу, оқибатда ҳеч вақо ололмасдик.

Яхшиямки, у кунлар ортда қолди. Бироқ ҳали-ҳануз хўжалик раҳбарларига қарам бўлиб қолаётган отрядларни истаганча топиш мумкин. Бунга чек қўйиш даври аллақачон келган.

Астраханда улар ёмон ишлашмади. Тўғри, иш бошлаган кезларида оз-моз қийинчиликлар бўлди. Обҳавога кўникиш, маҳаллий аҳоли билан тил топишиш кутганларидан ҳам осон кўчди. Ўзи талаба ҳалқи шунақа. Кўпчиликни ёқтиради. Одам ажратмайди.

Ўша йили қўқонлик бўлажак педагогларнинг меҳнат семестри «аъло»га баҳоланди. Ҳар бир йигит-қиз ўртача 300-350 сўмдан даромад қилди. Шанба ва якшанба кунлари эса сайру саёҳат. Хўжалик раҳбарлари йиғиб кетишиб, улар учун махсус автобус ажратишди, бепул овқат билан таъминлашди. Ҳашарчилар шаҳар ҳамда вилоятнинг кўнгилочар масканларида бўлиб роса яйрашди, дам олишди.

«Ўзбекистон» отряди аъзолари фақатгина қишлоқ хўжалик ишларида — помидор, тарвуз — теришда эмас, балки жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатдилар. Хўжалик ҳудудидаги болалар боғчасида «Эртаклар шаҳарчаси» барпо этишди. Жумҳуриятимиз, унинг табиати, ўзига хослиги, меҳнатсевар кишилари хусусида сўзлаб беришди.

Институтнинг педагогика-психология факультети 2-, 3-, 4-курс талабаларидан иборат 100 нафар ёшларни бирлаштирган отрядга педагогика кафедраси ўқитувчиси Рашид Умаров етакчилик қилди. Комиссар этиб талаба Роҳатали Абдуқодиров сайланган эди. Зиёда Йўлчиева, Гулчеҳра Эрматова, Муҳаррам Юсуфжонова, Гўзал Абдуваллиева, Комила Анорқулова каби талабаларнинг номлари илғорлар сафидан тушгани йўқ. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Талабалар отрядлари Марказий штаби аъзоси В. Шабалиннинг отряд ҳақида илиқ фикрлар билдирганини ҳали-ҳали институтда фахрланиб эслашади.

Қисқаси, талабалар ёқиб қолишган эди. 1988 йил 26 ноябрда хўжалик билан Қўқон Давлат педагогика институти ўртасида янги шартнома — 5 йилга имзоланди. Унга мувофиқ 200 киши ҳар йили таътил кунларида ишлашга келишилди.

Аммо... бултур кутилмаганда ишлар бошқача тус олди. «Фарғона воқеалари» шартномага ҳам таъсир кўрсатди. Институтдагилар мўлжаллагидан бироз камроқ — 60 кишини йўллашди. Талабаларимиз бу гал ҳам ёмон ишлашмаганини тасдиқловчи маълумотлар институт комсомол қўмитаси ҳужжатлари орасида сақланмоқда.

Педагогика институти Астрахандан бошқа йўналишлар бўйича ҳам иш олиб боради. Масалан, Тюмень вилоятининг Тюмень ноҳиясида ишлаган «Омега» талабалар отряди шартномадаги 120 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ўрнига 210 минг сўмлик иш бажарган. Рус тили ва адабиёти факультетининг бу илғор жамоасига Лазиз Орзиев етакчилик қилган. Жисмоний тарбия факультети талабалари «Тюменрибстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннасида меҳнат қилдилар. Бу икки отряд ўз сафларига 6 нафар тарбияси оғир болаларни ҳам жалб этишган.

Бу йилги меҳнат семестрида 5 та факультетнинг 438 нафар талабаси (2-3 курс) 20 нафар зиёд кашшоф лагерларида етакчилик қиладилар. Шартномада келишилганидек, «Ўзбекистон» талабалар отрядини Астрахань яна қабул қилади.

— Педагогика институтларида қизлар кўпчиликни ташкил этганлиги сабабли, аксарият корхоналар уларни қабул қилишдан бўйин товлайдилар, — дейди Илёс сўзида давом этиб, — Шу боис, биз жумҳуриятдан ташқарида шартнома имзолашга мажбур бўлдик.

Илёснинг гапларини қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини талабаларимиз пайқаб олган бўлсалар керак. Ушбу масала билан бир неча йилдан буён шуғулланиб келаётганлар ишни кўрсатадики, жумҳуриятимиз миқёсида, унинг хўжаликлари билан бажарилаётган ишлар етарлича баҳоланмаяпти. Ўз навбатида талабаларимиз ҳам Ўзбекистонда қолиб, меҳнат таътилини ўтказишдан бош тортишмоқда. Ахир бажарган ишингга ҳақ ололмасанг, ёки шартномада келишилган ишлар қолиб, иккинчи даражали, кам пул тўланадиган ишларга жалб этсалар, оқибатда ҳисобот пайтида қаварган қўлларинг пул кўрмаса, яна шу ерда ишлашга кўнгил тортармиди?

Жумҳуриятимизда бу йўналишда олиб борилаётган ишлар эса кўнгил бездиришдан бошқа нарса эмас. Талаба ҳеч қачон ўз вақтининг бекорга ўтишини истамайди. Не қилиб бўлса ҳам, изланади. Кам маош тўлашсалар-да, нима қиларди, ишлайди-да.

Яқинда Америка сафаридан қайтган ҳамкасбимиз, у ердаги нарх-наво, яшаш тарзи тўғрисида сўзлаб берди.

«Биз ўзимизча коммунизм қурамиз, намунали, илғор жамиятда, роҳат-фароғатда яшаймиз, деб юрган эканмиз. Аслида у ерда аллақачон биз орзу қилган муҳит ҳукмрон экан. Ҳар бир ўспириннинг жамғарма дафтарчаси бор. Мактаб ёшдаги бола ҳам пул топиши, уни хоҳлаган тарзда харж қилиши бизни ҳайратда қолдирди. Қўлида бирор ҳунари бўлмаган кишининг бир соатда 6-7 доллар топиши мумкинлиги, 8 соат тер тўкиб топган пулига магнитафон олишга қодирлигини айтсам, ишонасизларми? Ўша «матоҳ» бизда 3 минг сўмдан кам эмас».

ИНСОННИНГ жамиятдаги ўрни қадрланмас экан, у ўзининг борлигини, яшаётганлигини ҳис эта олмайди. Назаримда, одам учун бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак. Хўш, нима қилсак, ишлар жойига тушади? Ахир камчиликларни оғиз кўпиртириб айтаверганимиз, нолаю фиғон қилаверганимиз билан ҳаммаси ўз измига тушиб қолмайди-ку? Тўғри, тушмайди. Лекин «оғриқ нуқталар»ни қанча тез англаб етсак, ундан фориғ бўлиш шунча осонлашади. Токи, инсон, хизматига яраша, қадрланиши, тақдирланиши шарт. Бошқача бўлиши мумкин эмас! Социалистик жамиятнинг ҳам бош мақсади шу!

Муҳаммад АМИН.
Қўқон.

Рўзномага мактуб келди

Бизнинг Улуғбек номли 12-ўрта мактаб «Бунёдкор» ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадамиз 1980 йили ташкил топган. Ўша йили бригадамизга Энгельс номли давлат хўжалиги еридан 5 гектар ажратилганди. 1985 йилга келиб, ер майдонимиз 20 гектарга етди. Кейинги йили ҳисобимиздаги 5 гектар ер... мозор учун ажратилди. Қолган еримиз ҳам олиб, ўрнига бизга 28 гектар токзор ва 1 гектар боғ беришди.

1986 йилдан буён болалар шу ерда меҳнат қилишади. Улар ўз кучлари билан дала шийпони ҳам қуриб олишган. Ҳолбуки, шу давргача давлат хўжалиги раҳбарлари бирон нарсада ёрдам берганлигини эслолмаймиз.

Бригадамизда ўқувчилар фақатгина ишламайдилар, балки улар кўнгилли дам ҳам оладилар. Ёзда бу ерда «Меҳнат-роҳат» лагери фаолият кўрсата бошлайди.

Бригада жумҳурият миқёсида ҳам таниқли. Унинг базасида

«ЕРИМИЗНИ ҚАЙТАРИБ БЕРИНГ»

Ёзги меҳнат чораги ташкилотчиларининг VI, VII, VIII слёти бўлиб ўтган. Мазкур тадбирда жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан қатнашган вакиллар бригада иш тажрибасини ўрганиб, у ҳақда илиқ фикрлар билдиргандилар. Боғдорчилик борасида олиб бораётган ишларимиз оммалашадиган ҳам бўлганди.


Бир неча йил қаторасига меҳнатимиз Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси томонидан муносиб баҳоланди. Ишларимиз яхши кетаётган эди. Бироқ давлат хўжалиги раҳбарлари еримизни тортиб олиш ниятидалар. Уларнинг айтишича, одамларга ер бўлиб берилиши туфайли бизга қўшни бригада ери камайиб қолган эмиш. Унинг кемтигини эса бизнинг ҳисобимиздан тўлдиришмоқчи. Нима учун айнан ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси ери олинади? Ахир хўжалик ҳудудида ўнлаб гектар ўзлаштирилмаган ерлар бор-ку! Бир вақтлар бизга берилган ерлар ҳам ташландиқ эди. Биз унга меҳримизни, қалб қўримизни тўкдик. Унумдор ерга айлантирдик. Винобоп узум навлари ўрнига майизбоп, хўракиларидан экдик. Энди эса қўлимиз ошга етганида, бизнинг гапларимизни менсимасдан ўзлари хоҳлаганча иш тутмоқдалар. Ноҳия комсомол қўмитасининг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмади. Эндиги умидимиз Сизлардан. Мана шу муаммони ҳал этиб беришларингизни сўраймиз!

Паркент ноҳиясидаги 12-ўрта мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси аъзолари номидан А. БЕРДИБОЕВ, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, О. АСЛОНОВ, бригада раҳбари.

РЕДАКЦИЯДАН: Вазиятни ойдинлаштириш мақсадида Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси вакили билан Тошкент вилоятининг Паркент ноҳиясидаги 12-мактабда бўлдик. Ўқувчилар боғдорчилик бригадаси аъзолари, мактаб ҳамда давлат хўжалиги раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Мактубда келтирилган маълумотлар тўлалигича тасдиқланди. Хўжалик раҳбарлари ўқувчиларга 8-10 гектар ер ажратиб беришга қарор қилганликларини айтишди Бироқ бригада аъзолари бу «шарт»га рози бўлишмаётир. «Еримизни қайтариб беришсин! Бўлмаса ишламаймиз», дейишмоқда ўқувчилар.

Токзорларда иш аллақачон бошланди. Мазкур масала эса ҳамон ечилмасдан қолмоқда. Ўйлаймизки, тегишли ташкилот раҳбарлари икки томон учун ҳам мақбул бўлган вариантни топадилар. Бу ҳақда бизни ҳам хабардор қиладилар, деган умиддамиз.

Уларни танийсизми?



Рўзномамизни муттасил ўқиб борадиган синчков ўқувчи бу йигитларга қараб, «Уларни қаерда кўрган эканман-а?» дея ўз-ўзини саволга тутаётган бўлса эҳтимол. Чиндан ҳам у ҳақ. Бу сурат ярим йил ичида иккинчи марта чиқиши. Дастлабкиси ўтган йилнинг 10 ноябрида Жаҳон ёшлари куни муносабати билан рўзномамизнинг биринчи саҳифасида эълон қилинган эди. Ушанда туркум суратлар орасида чоп этилгани учунми, ҳеч қандай изоҳ берилмаган экан. Устига-устак расм орқасига ёзилган изоҳни ҳам аниқлайлик десак, уни тасвирга туширган сураткашнинг исм-шарифи ҳам ўчиб кетибди. Нима қилиш керак? Бундай пайтларда одатда ортиқча бош қотириб ўтирмай, саҳифа учун бошқа сурат танланади.

Лекин бизни негадир ана шу йигитлар қизиқтириб қолди. Қолаверса, улар бу суратга қаерда тушишди экан? Ҳойнаҳой, бугун ўзларини рўзномада кўриб, бундан бир йилча муқаддам талабалар отрядида ўтказган кунларни эслашгандир, бу йигитлар?

Келинг, яхшиси, фол очиб ўтирмайлик-да, сўзни уларнинг ўзига берайлик. Агар улар ўзлари ҳақида, меҳнат семестридаги кечинмалари ҳақида сўзлаб берсалар, ажойиб иш бўларди-да.

Сўз навбати сизларга, йигитлар!

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНМОҚДА

Ҳар йилгидек, талабаларнинг ёзги меҳнат семестрида меҳнат қилишлари учун замин ва шароит яратишга аллақачон киришилган. Шу боис талабалар бориб ишлайдиган хўжаликлар билан ҳар иккала томон учун мақбул шартномалар ҳозирланиб, ёшлар учун шарт-шароитларни яратиш ишлари бошлаб юборилди.

Бу йилги режамиз бўйича талабалар отрядларида бир минг бир юз нафар йигит-қизлар иштирок этиши керак. Улар ўн олтита отрядга бирлашадилар. Жумладан, 550 нафар ёш Астрахань вилояти, Приволжье ноҳиясидаги «Путь Ленину» жамоа хўжалигига бориб, миришкорларга сабзавот ва полиз маҳсулотлари теришда, юз йигирма нафар талаба Чита вилоятида қурилиш ишларида иштирок этадилар.

Хива қишлоқ хўжалик техникумининг «Меҳр — шафқат» отряди аъзолари мана беш йилки, ёзги семестрда ишлаб топган маблағни шаҳардаги 20-болалар уйига ўтказмоқдалар. Бу йил отряднинг фаолияти тағинда кенгроқ бўлиши кутиляпти.

Қолган талабалар отрядлари вилоятимизда қолиб, қурилиш майдонларида ишлашди, озиқ-овқат дастурини ҳал қилишга киришган деҳқонларимизга яқиндан кўмак берадилар.

Улуғбек МАТКАРИМОВ,
Хоразм вилоят талабалар отрядлари штаби командири.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ЎКИНЧ

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари яқинлашган сайин ташвишим ортаверарди. Кун бўйи катталардек ғўза чопиғига қарашиш, мол-ҳолга ўт юлишдан бўшамасдик. Ота-оналаримиз бу ишлардан бўйин товласак мўмин-қобил тенгдошларимизни намуна қилиб кўрсатишарди. Шу йўсиндаги «таътил кунлари» жонимизга тегиб, Сентябрни орзиқиб кутардик.

Ўқувчилик йилларимни эсласам, ҳали-ҳануз юрагим ачишади. «Бизнинг бахтли болалигимиз бўлганмикин?» дея ўз-ўзимга савол бераман.

Минг афсуски, айни кунларда ҳам «дам олиш таътилини» истамайгина кутаётган минглаб қора кўз укажонларимиз, сингилжонларимиз бор. Орадан 10-15 йил ўтган бўлсада, деярли ҳеч нарса ўзгармаган. Ўша-ўша мактаб. Кўримсизгина иморат мунғайиб турибди.

Таҳсил олган, менинг саводимни чиқарган мактабдаги ремонттталаб пол, эшик, ромлар ва иссиғи кам, бесўнақай печкалар аллақачон мени ажаблантирмай қўйган. Аммо бир нарса, илм даргоҳининг Эрнест Тельман номидалиги-ю, унда таҳсил олаётганлардан ҳеч кимнинг кашшофлар лагерида дам олмаслиги ўйлантиради кўпинча. Ўринли савол туғилади: «Қишлоқ болалари ўгаймиі?»

Педагогика институтида ўқиб юрган кезларимда кашшофлар лагерида практика ўтагандик. У ердаги болалар билан қишлоқ болалари ўртасидаги тафовут хусусида гапирмаса ҳам бўлади. Лагерда дам олаётган болаларнинг кун тартиби қатъий белгиланган. Тамадди қилиш, сайрга чиқиш, қизиқ-қизиқ ўйинлар ва беллашувларда иштирок этиш, orom олиш — буларнинг ҳаммаси ўз вақтида. Қишлоқ болалари эса тинкаси қуриб, қўллари, товонлари ёрилиб, лаблари гезариб тушликка чиққанларида ҳам orom нималигини билишмайди. Катталарнинг кўзларини шамғалат қилиб, ариқдаги лойқа сувга шўнғийдилар. «Таътил кунлари» шу зайлда бир-бирини қувиб, ўтаверади. Беғубор кўзлари катталарникидек ҳорғин «келажагимиз» улғаяверади. Мактабни тугатганда эса дала иши уларнинг меъдасига уриб улгурган бўлади.

Шаҳарда ўқиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Қолаверса қишлоқ мактабларидаги етишмовчиликлар ўқувчиларнинг билим савиясига анчагина таъсир ўтказади. Ота-оналаримиз эса болаларини арзимаган «фойда»га алмашаётганларини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Аниқроғи, улар бу ҳақда ўйлашга ўрганмаганлар.

Ўзбекистон халқ депутатларининг биринчи сессиясини кузатар эканман, беихтиёр бармоқларимни тишлаб қолдим. Бизнинг депутатларимиз Чернобиль болаларини Ўзбекистондаги кашшофлар лагерларига келиб, дам олишларини якдиллик билан маъқуллашди. Ўзимизнинг болалар-чи?, дейдиган мард топилгани йўқ, улар орасида.

Қўни-қўшниларга, ёру-биродарларга оғир кунларда ёрдам бериш яхши, албатта. Лекин ўзингнинг аҳволинг танг бўлиб турганда, бу ёрдам уларга татирмикин! Аҳволимиз ўзгаларникидан сал дуруст бўлганида ҳам майлига эди.

Орол бўйида жойлашган вилоятлар ва ноҳиялардаги аҳвол Чернобиль ҳалокатидан кам эмас-ку! Бу ердаги касалликни ва болалар ўлимини гапирмаган «ҳамдард» қолмади, аммо амалий ёрдам бериш, ҳеч бўлмаганда мактаб ўқувчиларини таътил даврида баҳаворок жойга юбориш ҳақида бирон кимса таклиф ҳам киритмади.

Бошқалар қандай тушунади, билмадиму, лекин мен ўз болалари ҳисобидан ҳотамтойлик қилиб, ўзгани хурсанд қиладиган кишиларни кечиролмайман. Мард халқимиз узоқ йиллар давомида дунёнинг барча бурчагидаги қашшоқларга, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиб келди. Болаларининг ризқини юлиб, ўзгаларга узатди.

Рости, бизни мактаб партасидан бошлаб ҳаётимизнинг «фаровон» эканлигига ишонтиришган эди. Бундан яхшироқ турмушни кўрмаганимиз учун эгнимиз янги кийим кўрмаса ҳам, онамизнинг эски ковушини кийиб қишни ўтказсак ҳам, шукур қилб яшадик. Биз барчасига кўниккан эдик. Ҳаммасидан ҳам аянчлиси шуки, биз бу билан бедаво касалликларга, ўлимга кўника бордик.

Мен бир педагог сифатида ўзбекистонлик барча депутатлардан ва ўқувчилар, ўсмирлар ҳаётига дахлдор кишилардан илтимос қиламан. Ҳозир кўп ишларнинг ҳал бўлиши сизларга боғлиқ. Амалий ёрдам қилинг! Шаҳарлик тенгдошларидан анча ортда қолаётган қишлоқ болаларига бефарқ бўлманг. Уларнинг намунали кашшофлар лагерларида дам олишига имкон яратайлик. Болалигини биз каби ўкиниб эслашмасин. Уларга ширин туш каби ўтиб кетадиган унутилмас болалик йилларидан ширин хотиралар ҳадя этайлик.

Назокат ШЕРБОЕВА,
Самарқанддаги мактабгача тарбия билим юрти ўқитувчиси.

Касбингизни севасизми?

Урф деганн ғалати нарса. Айниқса, уни катталар ёқласа борми, урди худо, деяверинг. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этишда ҳам шундай шошма-шошарликка йўл қўйилди. Натижада, биргина Сурхондарё вилоятида улар ҳаш-паш дегунча 50 тага етди. Аммо моддий-техника базасининг етишмаслиги ёки кимларнингдир кўрсатмаси билан ташкил этилган бундай комбинатларга зарурат йўқ эканлигини ҳаёт кўрсатди — улар 14 тага туширилди. Улар орасида Ангор ноҳиясидаги 1-мактабларaро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ҳам бор.

Комбинат 1976 йилда «Партия XXII съезди» номли 1-ўрта мактаб базасида очилган. Бино ҳунар-техника масканига берилгач, комбинат 1981 йилда ҳозир фаолият кўрсатаётган бинога кўчиб ўтган.

Ангор ноҳиясидаги тўрт мактаб —«Партия XXII съезди» номли 1-, Ленин номли 2-, Ҳамид Олимжон номли 9-ҳамда Фурқат номли 19-ўрта мактаблардан жами 324 нафар 10-, 11-синф ўқувчилари комбинатда касб-ҳунар ўрганаётир. Ҳайдовчилик, тракторчилик, тикувчилик, машинкада ёзиш, қандолатчилик деганларидек...

Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини ноҳия халқ таълими бўлими, ремонт ишлаб-чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ноҳия матлубот жамияти сингари нуфузли ташкилотлар ўз оталиғига олган. Комбинат ўз оталиғидаги ишлаб чиқариш ташкилотларига мутахассис етказиб бериши, улар эса ўз навбатида моддий-техник жиҳатдан баҳоли қудрат ёрдам бериши лозим. Аслидачи? Ўқувчи ёшларнинг на назарий, на амалий билим олишлари, ҳунар ўрганишлари учун комбинатда етарли шарт-шароит йўқ.

...Мана, тикувчи қизлар учун ажратилган хонадамиз. Ўртада катта бичув столи ва стуллар. Хонада бир неча тикув машиналари, 2 та шкаф бор. Шу боисданми, ниҳоятда тор кўринади. Деворда ўқувчи қизлар бажарган ишлардан намуналар қўйилган. Бўш турган икки шкафни ҳам қизларнинг машғулот пайти ясаган альбом, конспект дафтарлари (энг чиройли ва дид билан безалган) билан «безаш» мумкин эди. Аммо нима учундир биз бу нарсани кўрмадик.

— Қиз боланинг ўқувли бўлгани маъқул, — дейди «Партия XXII съезди» номли 1-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Гулбаҳор Турсунова. — Оилада у нарса йўқ, бу нарса кам деб туришдан ёки ҳадеб онaларимиздан ёрдам кутишдан фойда йўқ. Жони борнинг ғами бор, касби-кори, номи бор, деган мақол бор. Агар ўзинг тикишни пухта ўргансанг, бировга ялинишга ҳожат қолмайди. Шу туфайли тикувчилик ихтисосини танлаган эдим. Лекин бу касб сирларини мукаммал ўрганиш учун шароит йўқ. Тикиш машиналарининг учдан бир қисмигина ишлайди. Хона тор. Назарий ва амалий машғулотлар учун бир хона ажратилган. Бунинг устига, совуқ. Шу ўринда бир таклифим бор эди. Агар тикиш машиналари етарли бўлса арзонроқ матолардан харид қилиб, боғча ёшидаги кичкинтой укаларимиз учун турли нарсалар тикиб сотсак ва ана шу пулга шуғулланиш учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олсак бўларди. Бизда эса, ҳатто, шунинг ҳам иложи йўқ. Кўпинча ўрганган нарсаларимизни уйда тикиб келишга тўғри келади.

Машинкада ёзиш билан шуғулланувчи ёшлар учун ҳам бир хона ажратилган. Улар амалий машғулотни икки группага бўлинган ҳолда тушгача ва тушдан кейин ўрганишяпти. Бу ерда ҳафтасига 8 нафар ўқувчига битта ёзув машинкаси тўғри келади.

— Машинкада ёзиш сирларини ўрганиш қизиқарли, — дейди «Партия XXII съезди» номли 1-ўрта мактаб ўқувчиси Замира Маматқулова. — Лекин ленталар етишмайди-да...

— Ленталарни ўз пулимизга сотиб оламиз, — дейди шу мактаб ўқувчиси Нодира Ҳакимова.

Шу куни ҳайдовчилик сирларини ўрганаётган 22 нафар йигитдан 12 нафари шофёр бўлиш истагини билдиришди. Бироқ рулни тўғри бошқара билиш, йўл қоидаларини ўрганиш учун истакнинг ўзигина камлик қилади.

— Ўзбек тилидаги дарсликлар етишмайди, — дейди Самад Эрматов. — Баъзан бензин бўлмаган пайтларда ноҳиядаги 2510-автобазага бориб, моторни йиғиш, камер ямашни ўрганяпмиз.

Худди шу ихтисосликдаги рус йигитларидан бири «Ҳамма нарса етарли, ҳамма нарса бор...» деди. Орадаги фарқ кишини ўйлантириб қўяди.

Ўша куни комбинатга келган ҳар иккала мактабдан бирор ўқувчи ҳам тракторчилик ихтисосини танламабди. Демак, бу ихтисослик шу куни бўш қолади.

Қандолатчилик ихтисослигида 10 нафар қиз шуғулланишаётган экан. Улар учун ҳам деярли шароит йўқ.

— Ҳар хил ширинликлар, таомлар, турли шакароблар тайёрлаб дастурхон безашни хуш кўраман, — дейди «Партия XXII съезди» номли 1-ўрта мактаб ўқувчиси Ирода Иброҳимова. — Бизда эса кўриб турибсиз, хоналар совуқ, тор. Мана бу 2 та газ ўчоқдан бирининг духовкаси умуман йўқ, иккинчиси унча яхши ишламайди. Билмадим, бунақада нимани ўрганиб чиқар эканмиз.

— Бизнинг гапларимизни газетага ёзасизми, — дейди шу мактаб ўқувчиси Гулчеҳра Турдимуродова. — Масалан, практикага яқин атрофимиздаги қандолатчилик цехларига чиққанимизда, ҳеч нарсани ўргатишмайди. У ерда кўпроқ пишириш санъатини эмас, ундан бўшаган каллак (ун халта) қоқишни ўрганамиз...

Гулчеҳра гапини давом эттира олмади. Аламданми ёки директор ўринбосари ва ўқитувчисининг сусти босдими, ишқилиб кўзига қуйилиб келган аччиқ ёш фикрларини бўлиб юборди.

— Мен ўзим бир сафар 8 та каллак қоқдим, — дейди қизлардан бири. — Ахир, биз цехга ҳунар ўрганиш илинжида борамиз-ку. Қолаверса, тоза уст-бошимиз билан чангитиб каллак қоққимиз келмайди. Аммо бунга мажбурмиз. Чунки гап қайтарсак, устимиздан... қулфлаб қўйишади каллакларини қоқиб бермагунимизча қўйиб юборишмайди.

Яна цехларда банка, пол ювдиришади, — дея гапини давом эттирди Гулчеҳра. — Бу ҳам майли. Тағин ҳаммамизни бир хил «5» билан баҳолашларига нима дейсиз? Қоғоздаги бундай баҳолар-ку қолиб кетади, ҳаётда бизни қандай баҳолашар экан...

Гулчеҳра очган «сир» нимагадир комбинат директори ўринбосари Э. Соқиев ва ўқитувчи Ж. Ҳимматоваларга ёқмади. Улар шу пайтгача бу ҳақда билмасликларини, энди эса аҳволни шу ҳолатда қолдириб бўлмаслигини айтишди. Устозларнинг ваъдалари қанчалик амалга ошишини билмадим-у, аммо 10 нафар қиздан биригина мактабни тугатгач, танлаган ихтисослигида ишлашини айтди. Қизлар танлаган ихтисослиги бўйича ишлайдими-йўқми, бу уларнинг иши. Масаланинг иккинчи томони бор. Ҳозир ўша 9 нафар қизнинг вақти бекор ўтяпти.

Халқимизда вақт ақчадур, ғофил бўлма қочадур, деган мақол бежиз айтилмаган. Ёшларга ҳунар ўргатишга астойдил бел боғлаган мутахассислар «қизларнинг каллак қоққанини ёзманг», дегандан кўра, уларга дурустроқ шароит яратиш, касб сирларини пухтароқ ўргата олмаётганимиздан, вақтимизнинг ҳавога совурилаётганидан куйинишса тўғри бўларди. Масалан, Америкода илм даргоҳларида сабоқ олган талаба танлаган мутахассислиги сирларини мукаммал ўзлаштириб ололмаса, диплом берилмайди. Унга справка берилади. Справка эса унинг қобилиятсизлиги, касбини пухта ўзлаштира ололмаганлигини билдиради.

Бизда эса хоҳлаган ишингни қилишинг мумкин. Ўқувчи мактабда ўқийдими, йўқми, бундан қатъи назар «3» қўйилади (боланинг билими шу баҳога арзийдими-йўқми, ишимиз йўқ), синфдан-синфга кўчирилади, октябрят, кашшоф, сўнгра комсомол сафига қабул қилинади. Кейин етуклик аттестати ёнига ҳунар ўрганганлиги ҳақидаги гувоҳномани ҳам олади. Кейин-чи? Ана шулар ҳақида ўйлаб кўрсак бўларди...

Каромат НЕЪМАТУЛЛА қизи.

МАЪНАВИЯТИМИЗ ҚУРБОНЛАРИ



Галина Сергеевна ҲОЖИБОЕВА Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг «Атмосфера» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси экология ва инсон саломатлиги бўлими мудири, тиббий фанлар номзоди. Тошкент тиббиёт институтини, СССР Тиббий Фанлар академиясини тугатган. Яқинда меҳнат шароитини аёлларнинг туғиш қобилиятига таъсири тўғрисидаги докторлик диссертациясини тугатди. Ўз фаолиятида оналик ва болаликни, аёллар меҳнатини муҳофаза этишга, экологик факторларнинг жумҳуриятимизда яшовчи аёлларнинг туғиш қобилиятига таъсирига катта эътибор беради.

* * *

— Галина Сергеевна, кейинги йилларда экологик муаммолар хусусида кўп гапирамиз ва ёзамиз. Жумладан Орол тақдири бизни жуда ташвишлантирмоқда. Айрим олимларнинг фикрича Оролнинг йўқ бўлиши биринчи навбатда бизнинг жумҳуриятимиз учун экологик ҳалокатга олиб келар экан. Бироқ назаримда экологик «дард»имиз фақат Орол билан чекланмайди. Матбуотда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ноҳиясидаги оғир экологик аҳвол ҳақида ҳикоя қилувчи қатор мақолалар пайдо бўлди. Янглишмасам сиз ҳам бир неча йилдан бери бу муаммо билан шуғулланасиз. Сариосиёдаги тадқиқотларингиз қачон ва нима мақсадда бошланганди!

— 1988 йил январда СССР Вазирлар Кенгаши Турсунзода шаҳрида жойлашган Тожикистон алюминий заводининг атроф-муҳитга таъсирини, завод яқинидаги ҳудудда экологик вазиятни ўрганиш юзасидан ҳукумат комиссияси тузганди. Унга СССР рангли металлар вазирининг ўринбосари И. В. Прокопов бошчилик қилаётганди. Комиссиянинг ишчи гуруҳига мени ҳам қўшишди. Комиссия тузилишига эса халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Х. Бердиев (ҳозир вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби)нинг ўша пайтда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг раиси бўлган Ғ. Қодировга 1988 йил 13 январида ёзган 01 (25) 123 сонли хати туртки бўлганди. Хатда жумладан шундай дейилганди: «Шамолнинг йўналишига кўра инсон саломатлигига зарарли таъсир этувчи (ТАЗдан чиқаётган — Ф. Р.) фтор бирикмасининг 80 фоизи Сариосиё, Денов, Олтинсой ноҳияларига тушади.

Соғлиқни сақлаш органларининг маълумотларига кўра кейинги йилларда аҳолининг касалланиши, жумладан ҳомиладор аёллар ва чақалоқлардаги хасталикнинг кўпайиши ва кучайиши кузатилмоқда. Мисол учун 1980 йилга нисбатан муддатидан эрта туғиш икки баробар, бола ташлаш 4 баробар; 6 кунлик чақалоқларнинг ўлими 4 баробар кўпайган. Турли жисмоний қусурлар билан туғилишнинг кескин кўпайгани ҳам ғоят ташвишлантирмоқда»...

— Бироқ ушбу хатдаги маълумотлар бўйича аҳолининг соғлиғи қай аҳволда эканлигини тасаввур қилиб бўлмайди-ку!

— Ҳамма гап шунда-да. Биздан олдин ҳам бу ерда экологик вазиятни, жумладан фтор бирикмасининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганишган. Ўзим қатнашган ҳукумат комиссияси тайёрлаган маълумотларда ҳам қуйидагиларни ўқиш мумкин: «Завод қурилиши 1969 йилда бошланган, биринчи навбати 1975 йилда ишга туширилган... Бундан ташқари бу ноҳияда Шарғун брикет фабрикаси, ғишт заводи ҳам бўлиб, уларда йилига таркибида 0,0023 фоиз фтор бўлган 35 минг тонна тошкўмир ёқилади... Ҳавонинг фторли водород билан ифлосланиши пахтанинг ва мевали ўсимликлар ҳосилига деярли таъсир қилмайди... 1987 йилда ТАЗ белгиланган миқдор (193,9)дан икки баробар кўп — 403 тонна фторли водород чиқарган. Сариосиё ноҳиясида у мумкин бўлган миқдордан 2—4 баробар кўпдир.

Фторнинг кўпайиши (2—3 баробар) уй ҳайвонларига ёмон таъсир қилиши, катта ёшдаги чорва молларида шиш бўлиши, тиш тўкилиши, охирги қовурғалари ва дум умуртқасининг юмшаб қолиши, қонда ва суякларида фторнинг кўплаб тўпланиши аниқланди.

Мевали дарахтлар — (анор, анжир, хурмо, шафтоли, ўрик, олма, лимон) шунингдек ток баргларидаги фтор миқдори 30—100 мл/кг. га етади. Заводдан узоқда бўлган ноҳияларда бу кўрсаткич 20 мл/кг,ни ташкил этади.

Бу ердаги аҳолини кўчириш ҳамда санитар ҳимоя зонасини барпо этиш учун қиймати 40,05 миллион сўм бўлган турар-жой посёлкаси қуриш мўлжалланган. Унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган».

Эътибор берсангиз ушбу маълумотларда ўзингизни қизиқтирган барча фактларни кўришингиз мумкин: завод тарихи, унинг қуввати, фтор бирикмасининг ўсимликларга ва ҳайвонларга таъсири — ҳамма ҳаммаси батафсил ёритилган. Бироқ энг муҳими ва энг асосийси — барча моддий неъматларнинг соҳиби бўлмиш ИНСОН унутилган. Туғруқхоналардаги аёлларнинг қанчалик қийналаётганликларини тасаввур ҳам этолмайсиз. Юзлаб ҳомиладорлар эрта туғишган, бола ташлашган, ўлик ёки майиб-мажруҳ болалар туғишган. Бироқ ҳеч ким нима учун шундай бўлаяпти, деб ўйламаган. Йиллар давомида бу ҳол давом этиб келган. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг том маънода жаннатмакони бўлган бу ноҳияда асрлар давомида аёллар ҳам, уларнинг фарзандлари ҳам соғлом бўлишган.

Вазиятни мукаммал ўрганиб, чуқур таҳлил қилинган фактларни тақдим қилганимиздан сўнг маълумотномага қуйидаги жумла қўшилди: «1986 йилда сурункали хасталиклар билан оғриганлар кўпайган... Аёлларнинг туғиш қобилиятини ўрганувчи Ўзбекистон акушерлик ва генекология илмий-текшириш институти маълумотлари эрта туғиш, бола ташлаш ва ўлик туғиш кўпайганини кўрсатади».

— Галина Сергеевна, нима учун сиз ўз ишингизда ташқи муҳитнинг аёлларнинг туғиш қобилияти таъсирига бу қадар катта эътибор бергансиз!

— Биринчидан жумҳуриятимизда оналар ва болалар ўлими даражаси ниҳоятда юқори. Бундай ачинарли аҳволнинг сабабларини ҳолисона аниқлаш ва зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш врач сифатидаги бурчимдир. Қолаверса аёлларимизнинг аксарияти ё кўп болали ёки кўп туғишган. Бу ушбу муаммонинг нақадар долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди. Бундан ташқари айтиш мумкинки, энг муҳими, келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлишини таъминлаш учун ҳозирдан бош қотириш лозим.

Шу ўринда яна қўшимча қилиш мумкин. XX асрнинг иккинчи ярмида ташқи муҳитда кимёвий бирикмаларнинг кўп миқдорда пайдо бўлиши натижасида атроф муҳитнинг кимёвий таркиби тезда ўзгара бошлади.

1

Инсоният ўз тарихида шу пайтгача шунчалик кўп миқдордаги кимёвий бирикмалар йиғиндисига дуч келмаганди ва унинг кўникиш имконияти «тараққиёт»дан орқада қолди. Бу ҳол жониворлар ва инсон танасида қатор ўзгаришлар бўлишига олиб келди ва у ҳозир экологик оғриқ, деб аталади. СССР ТФАнинг академиги А. В. Серов ва бошқа қатор олимларнинг фикрича ҳозирги кунда экологик синдром билан бевосита боғлиқ бўлган бола туғиш қобилиятининг бузилиши келажак авлод тақдирида жуда кучли аҳамиятга эга. Мен ҳам ушбу фикрга қўшиламан. ТАЗдан чиқаётган фтор бирикмасининг аёлларнинг бола туғиш қобилиятига таъсир ўтказганини тасдиқловчи фикрлар ҳам бор.

— Тадқиқотларингиз қандай натижалар берди?

— Вужудга келган вазиятга холис баҳо бериш учун Сариосиё ва ТАЗдан 140 километр нарида жойлашган Жарқўрғон ноҳияларини танладик. Икки ноҳияни танлашимизнинг боиси ҳар иккисининг ҳам иқлими, табиати, тиббий хизмат кўрсатиш даражаси бир хил, деҳқончиликда ишлатиладиган кимёвий ўғитлар, шу жумладан пестицидлар ҳам бир хил миқдорда қўлланилади. Аҳолининг турмуш даражаси, урф-одатлари ёки бирор бошқа жиҳатдан ҳам фарқ йўқ. Ўртадаги бирдан-бир тафовут шундаки алюминий заводдан чиқадиган заҳарли фтор бирикмаси Жарқўрғонга етиб бормайди.

Биз икки ноҳияда 1980 йилдан токи 1988 йилгача бўлган даврда туғилган 18 минг 315 чақалоқнинг ривожланиши тарихини ўргандик. Бу шу йилларда туғилган болаларнинг 30 фоизи ҳам етарди. Улардан 10. 255 нафари Сариосиёда, 8060 нафари эса Жарқўрғонда дунёга келган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики Сариосиёда 1980 йилда перинатал ўлим кўрсаткичи туғилган ҳар 1000 боладан 1,95 фоиз бўлган бўлса 1987 йилга келиб бу рақамлар туғилган ҳар 1000 боладан 2,07 фоизни ташкил этди. Туғма мажруҳлар сони ҳам 1,79 баробар ошган. Сариосиё ноҳиясида шу даврда муддатидан олдин туғилганлар 70 фоизга, Жарқўрғонда эса 1,4 фоизга ошган. Сариосиёда вазни ноҳиятда оз бўлган чақалоқларнинг дунёга келиши 4, туғма касалликлар (шамоллаш билан оғриганлар — 2,5 баробар, терида ва тери остидаги юқумли хасталиклар билан касалланганлар 11 баробар) бўлган чақалоқларнинг сони 2,5 баробар ортди. Жарқўрғонда эса бу кўрсаткичлар аввал қандай бўлса, шундайлигича қолган. 1980 йилгача, яъни ТАЗ фаол ишга тушмасдан олдин ҳар икки ноҳиядаги тиббий кўрсаткичлар бир хил эди.

Бундан ташқари тадқиқотлар яна шуни кўрсатдики, Сариосиёдаги аёллар орасида хотин-қизларга хос бўлган хасталиклар кенг тарқалган. Жуда кўплаб аёллар авлод-менструал функциясининг бузилишида, ҳомила қобиғининг емирилишида, шамоллашда, фарзандсизлик ва қайта фарзандсизлик (яъни бир марта ҳомиладор бўлиб, кейин эса фарзанд бўлмаган) каби хасталиклардан қийналишмоқда. Буларнинг ҳаммаси Сариосиёдаги экологик вазият жиддий ёмонлашганини кўрсатади.

— Болалар ва аёлларнинг танасида ҳақиқатан ҳам фтор бирикмаси борлигини тасдиқловчи бирор бир, дейлик, кимёвий тадқиқот ўтказилганми!

— Сиз ушбу саволингиз билан жуда муҳим масалани кўтардингиз. Ҳа, биз бундай тадқиқотлар ўтказганмиз. Янги туғилган чақалоқ танаси, соч, қағаноқ, йўлдош, қон ва кўкрак сути таркиби, шунингдек Сариосиё ноҳиясидаги ТАЗ таъсирига учраган жуда кўплаб жамоа хўжаликларидаги аёлларнинг сочи синчиклаб кўрилди. Тадқиқотларимиз натижаларининг ишончли бўлишини ҳисобга олиб кимёвий текширувларнинг энг замонавий талаблар даражасида бўлиши учун интилдик. Шу мақсадда 1988 йилда мен СССР ФА мухбир аъзоси П. Қ. Ҳабибуллаевга мурожаат этдим. Пўлат Қирғизбоевич тадқиқотларни нейтрон фаоллаштириш усулида ўтказишга кўмаклашди.

Тадқиқотлар аёлларнинг ва янги туғилган чақалоқларнинг қорин сочларида ҳам фтор бирикмаси борлигини тасдиқлади. Бу фтор бирикмасининг қағаноқ тўсиғини ҳам енгиб ўтишга ва ҳомиланинг онаникидаги ривожланишига ҳам таъсир ўтказишини кўрсатди.

Биз йиққан материалларимизни Пўлат Қирғизбоевич билан муҳокама қилдик ва у киши материалларни «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг маърузалари» жаридасига тақдим этди. Бундан ташқари ушбу масалани ўрганишга СССР Тиббий Фанлар академиясига қарашли акушерлик ва генекология институтининг Ленинграддаги эмбриогенез лабораториясини ҳам жалб қилганмиз. Ленинграддаги лабораторияда фтор бирикмаларининг туғиш қобилиятига таъсирини ўрганиш бўйича жониворлар устида тажрибалар ўтказилмоқда, Сариосиёда яшовчи аёлларнинг уруғлари текширилмоқда.

— Тадқиқотларингиз натижалари илмий доираларда ўрганилган, уларга қандай баҳо берилди?

— Жумладан 1989 йилда бизнинг материалларимиз СССР Тиббий Фанлар академиясига қарашли акушерлик ва генекология институтининг «Ташқи муҳитнинг аёллар репродуктив функциясига таъсири» муаммовий комиссиясида, «Аёллар меҳнати гигиенаси» секцияси мажлисида, муаммовий комиссиясида, СССР ТФАнинг «Меҳнатнинг ва профпатологиянинг илмий асослари, ташқи муҳитнинг таъсирини гигиеник баҳолаш лабораториясининг кенгайтирилган семинарида муҳокама қилинди. Биз қўллаган усул ва ўтказган тадқиқотлар кўлами ТАЗнинг Сариосиёда яшовчи аёлларнинг репродуктив функциясига зарарли таъсир этишини исботловчи далиллар олиш учун етарли деб топилди. Бундан ташқари тўпланган тажрибамизни ҳисобга олиб бизга илмий жиҳатдан экологик омилларнинг репродуктив функциясига таъсирини ўрганиш юзасидан тавсиянома ишлаб чиқишда қатнашишни таклиф этишди.

— Мухбир А. Кружилин «Литературная газета»да [1990 йил 10 январь сонида] «фторли водород фақат битта — флюороз — оғир суяк хасталигини келтириб чиқаради», деб ёзди.

— Фтор ҳақиқатан ҳам флюороз касаллигини келтириб чиқаради. Ҳақиқатан ҳам фторли водород заҳри таъсирида суяк тўқималарида ўзгариш бўлади. Бироқ фтор баданда ўзини ўта кучли заҳар сифатида намоён қилади. Унинг ионлари тўқималар мембранасини ёриб ўтиб, антиферментатив агент каби ҳаракат

2

қилади. Бироқ фтор суяк системасидан ташқари бошқа қатор система ва аъзоларни ҳам ишдан чиқаради.

Ички аъзолардан кўпроқ юрак-қон системаси, жигар, ошқозон ва буйракнинг заҳарланиши тез-тез учрайди. Мисол учун олимлардан Д. М. Зислин, Е. И. Лехачев, В. И. Токар, С. В. Меллерларнинг гувоҳлик беришларича юрак-қон томирларининг заҳарланиши юрак урушининг камайиши ва бунинг оқибатида жигар, ўпка, скелет томирларига қон етарли миқдорда бормаслигида кўринади. Сариқ касалининг оғир шакли ривожланиб оқсил ҳосил қилиш, шунингдек жигарнинг бошқа функциялари бузилади. Бунда жигарнинг биопсиси зарарланиш борлигидан гувоҳлик беради. Қондаги гармонларнинг бузилиши ҳам жигарнинг фаолияти издан чиққанлигини кўрсатади. Ошқозонда фторли заҳарланиш унинг шамоллашида кўринади. Бунда шиллиқ пардада астрофия тез ривожланади ва емирилиш бошланиб, ярага айланади. Ошқозонда фтор пайдо бўлади.

Буйрак заҳарланганда унда ўткир шамоллаш хасталиги бошланади. Фтор бирикмасининг яна бир зарарли томони унинг эритроцитларни ишдан чиқаришда кўринади. Амстердам ва бошқа қатор олимларнинг гувоҳлик беришларича уларнинг касалланиши кузатилади.

Шундай қилиб, мухбир А. Кружилиннинг фторли водород фақат битта — флюороз — оғир суяк хастасини келтириб чиқаради, деб ёзилигини келтириб чиқарган масалани тушунмаслиги ёки мутлақо билмаслигидан гувоҳлик беради. Мазкур гапни матбуот орқали айтиш билан у эса жамоатчилик фикрини чалғитади. Бу ёғи энди А. Кружилиннинг маънавий масъулиятига боғлиқ.

— Ўтган йилнинг ноябрида янги ҳукумат комиссияси ўз ишини тугатди. СССР Вазирлар Кенгашининг комиссияси тиббий масалалар бўйича қандай хулосага келди!

— Аввалломбор комиссиянинг иши илгаригисига нисбатан самарали ва атрофлича бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Комиссия ишининг натижалари ўзбек ва тожик врачлари 1988 йилнинг январидан бери анчагина ишни амалга оширганликларини кўрсатди. Комиссия биз тўплаган материалларга асосланиб СССР, Ўзбекистон ССР ва Тожикистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирликларига Сариосиё ва Турсунзода ноҳияларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди. Шунингдек комиссия жойлардаги соғлиқни муҳофаза қилиш органларига қўшимча равишда дори-дармонлар, асбоб-ускуналар ажратиш, маҳаллий-врачларнинг малакасини ошириш зарур, деб топди. Бундан ташқари СССР Рангли металлургия вазирлиги ва Тожикистон алюминий заводи зиммасига заарланган ноҳияларда яшовчиларнинг турмушини ва соғлиғини яхшилаш учун 1990—1991 йилларда профилакторий, 12 та ўрта мактаб, 12 та болалар боғчаси, 12 та фельдшерлик-акушерлик пункти қуриш ва ичимлик сув олиш учун 26 қудуқ қазишга маблағ ажратиш мажбурияти юкланди.

Энг муҳими Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмиталарига ва Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССР санитар назорати Давлат қўмиталарига ТАЗнинг ҳавога заҳарли моддалар чиқаришини қатъий назорат қилиш топширилди. Агарда белгиланган меъёр — ПДВ ва ПДК қоидалари бузилса мазкур қўмиталар барча зарур чораларни кўриш, токи завод қувватини камайтиришгача бўлган тадбирни қўллаш ваколатига эга бўлдилар.

— Галина Сергеевна, экологик муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларини нималарда деб ўйлайсиз!

— Фикримча «айниш» аввалломбор инсон онгида рўй берган, табиатнинг бузилиши бу иккиламчидир. Ишлаб чиқариши заҳарли бўлган ва атроф муҳитга катта зарар келтирувчи улкан лойиҳаларни яратганлар шубҳасиз саводли, ўз ишини яхши билган кишилар бўлишган. Шунга қарамай табиатни қурбон қилишларини билганлари ҳолда улар ўз лойиҳаларининг ҳаётга тадбиқ этилишига эришганлар. Мен Академик Д. С. Лихачевнинг экология масаласида асосий фигура инсон, экология эса умуман инсоният маданиятининг бир қисми бўлиб, у инсоннинг маънавий қиёфаси билан чамбарчас боғлиқдир, деган фикрига тўла-тўкис қўшиламан.

Шу муносабат билан пайдо бўлаётган экологик кулфатларни тушуниш учун аввалломбор инсоннинг замонавий табиатда, атроф-муҳитда тутган ўрни ва ролини тушуниш, аниқ белгилаб олиш лозим. Бироқ буни амалга ошириш биз ўйлаганчалик осон эмас. Афтидан экологик муаммоларни ҳал этишнинг қийинлиги ҳам шунга бориб тақалса керак.

Фаррух РАҲИМ
суҳбатлашди.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳурматли муштарий! Агар эътибор берган бўлсангиз Галина Сергеевна саволларимиздан бирига жавоб бераётиб фтор бирикмасининг оналикдаги ҳомилага таъсир ўтказишга қодир эканлигини таъкидлаб ўтди. Бошқача қилиб айтганда фтор водороди тўғридан тўғри ирсиятга ҳам салбий таъсир кўрсатаркан. Ҳозирги куннинг ўзида Сариосиёда майиб-мажруҳ болаларнинг туғилиши, айрим йигитларимизнинг белида қувват йўқлиги, ёш оилаларнинг фарзандсизлик туфайли бузилиб кетаётгани кўпайган бўлса, у ҳолда кейинги авлодлар тақдири не кечади!.. Бу ўринда шуни ҳам унутмаслик керакки, Г. С. Ҳожибоева ўтказган тадқиқотлар натижалари фақат аёлларга тегишли. Эркакларнинг соғлиғи, уларга фтор бирикмасининг таъсири ҳали мутлақо ўрганилмаган.

Шунингдек, юқорида мухбир А. Кружилиннинг номи тилга олинди. Ҳурматли ҳамкасбимиз ўша мақоласида сариосиёликларнинг норозилигини алюминий заводида ишловчилар 400 сўмдан маош олишаётганини кўриша олмаётгани билан изоҳлашга тиришади. Назаримизда А. Кружилиннинг ўйламай-нетмай бундай деб ёзишига сабаб ё у ҳақиқатан ҳам масаланинг моҳиятига умуман тушунмайди ёки билиб туриб атайин билмасликка олади. Шу боис таъкидлаб ўтмоқчи эдик: асрлар давомида девор-дармиён қўшнилардек яшаб келган ўзбек ва тожик халқлари абадул-абад ёру биродар бўлиб қоладилар. Дарвоқе А. Кружилин ва севимли рўзномамиз «Литературная газета»га яна шуни ҳам эслатиб ўтиш жоиз: гарчи алюминий заводи қардош жумҳуриятнинг Турсунзода шаҳрида жойлашган бўлсада у Тожикистон ССРга эмас, балки Иттифоқ вазирлигига бўйсунади.

Пировардида шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Г. С. Ҳожибоева шу кунларда ўз ишхонаси учун маскан излаб идорама-идора елиб югурмоқда. Жафокаш элимиз, келажак авлодимиз саломатлиги йўлида хайрли ишларни амалга оширган ва ошираётган ҳурматли олимамиз мушкулини осон этишда жумҳуриятимиз ҳукумати кўмаклашади деган умиддамиз.

3

Хорижлан хабарлар

ЯГОНА ГЕРМАНИЯ: МАҚСАДЛАР МУШТАРАКМИ?

Кейинги вақтда жаҳон матбуоти Ғарбий ва Шарқий Германияда юз бераётган ўзгаришлар хусусида кўп ёзишмоқда. Айниқса, икки мамлакатда истиқомат қилувчи ягона миллатнинг бирлашиши борасида фикрлар кўпроқ илгари суриляпти. Иккинчи жаҳон уруши туфайли юзага келган вазият боис икки хил тузумдаги мустақил давлат пайдо бўлганди.

Ўтган йилнинг охирида ГДРда юз берган ҳаётий ўзгаришлар собиқ раҳбарлар тутган йўлни кескин қоралади. Мамлакатни демократик йўналишга буриш борасида илк қадамлар ташланди. Ҳатто қисқа вақт ичида ҳукумат бошлиқлари бир неча бор ўзгарди. Партиявий тузум соҳасида ҳам янгиланиш сезилмоқда. Берлинни иккига бўлиб турган темир-бетон девор олиб ташланди. Уни қарангки, Американинг Огайо штатида жойлашган савдо ширкатининг ишбилармонлиги туфайли Берлин деворининг ҳар бир бўлаги пулланмоқда. Ширкатнинг вице-президенти Дик Дейл ўтган йилнинг охиригача 75 тонна девор қолдиқларини Америкага жўнатишга эришди. У ўз ўлжаси учун бир чақа тўламасада, юкни манзилга етказишга 200 минг доллар сарфлади. Дейл девор қолдиқларидан миллион дона эсдалик ҳозирлаш ниятида. Уларнинг ҳар бирини 10 доллардан пуллаб, камида 10 миллион фойда кўришни мўлжаллаб қўйган. Шуниси қизиқки, Дейл шу пайтгача бирор марта ҳам герман заминида бўлмаган ва ўз навбатида Берлин деворига кўзи тушмаган эди. Энди уни бир умр кўрмаса ҳам керак. Зеро, орага тўсиқ тутиб яшайдиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди.

Икки Германиянинг қўшилиши албатта кутилмаган муаммоларни келтириб чиқариши турган гап. Германиянинг ягона мамлакат бўлиши биланоқ Югославия ундан ўзига тегишли хунни ундириш ниятида. Гап шундаки, нацистлар ҳукмронлиги даврида Югославия халқи кўрган зарарни кимдир қоплаши лозим. Агарда Германия бирлашса, бутун даъвони пеш этишга имкон пайдо бўларкан. Югославиядан сўнг Финляндия ҳам бундай қўшилишдан «фойдаланиш» ниятида эканлигини билдирди. Финлар 1941-1945 йиллар давомида мамлакатда турган 200 минглик герман қўшинлари катта зарар етказганлигини айтишмоқда.

Югославия ва Финляндия ўзларига етказилган зарарнинг хунини талаб қилишмоқда. Хўш, бу масалада бизнинг мамлакатимиз қандай йўл тутиши даркор? Зеро, 1941 — 1945 йилги уруш халқимизга келтирган зарарни ҳисоблаб чиқишнинг иложи бўлармикин? Менимча, бундай ҳисоб-китобни ўрнига қўядиган билағон ҳозирча туғилмаган бўлса керак! Яна шуни айтиш лозимки, ГДР ташкил этилгандан сўнг унинг Совет Иттифоқи олдидаги қарзи 110 миллион сўмни ташкил этади. Энди, бунга нима дейиш мумкин?

Ҳар икки Германияда ҳам бирлашишни турлича қабул қиладиганлар топилади. Бу масалани қўллаб-қувватлаш билан бирга унга ҳавфсираб қарайдиганлар ҳам талайгина. Ғарбий ва Шарқий Германия раҳбарларининг бир неча бор бўлиб ўтган учрашувларида ҳам шу нарса қайд этиб ўтилди. ГДР ва ГФР раҳбарларининг ўзаро мулоқотларида немисларни қизиқтирган муаммолар ўртага қўйилди. Ҳозирги кунда ярим миллионга яқин шарқий немислар Ғарбий Германияга йўл олишган. Хўш, уларнинг янгича ҳаёти қандай кечаяпти? Буни ҳозирча бир томонлама баҳолаш мушкул. Ғарбий Германияда яшовчи немислар ўз қардошларининг келишини унчалик хуш кўришмаётгани аниқ. Улар ГДРдан кўчиб келиш мамлакатдаги нормал шароитни издан чиқаришга олиб келиши мумкин, деган хавфга ҳам боришаётир. Ҳатто бунинг «олдини олиш» мақсадида шарқдан келган оилалар паноҳ топган уйларга ўт қўйиш ҳоллари ҳам учраётир.

Г. Кольнинг Америка президенти Ж. Буш билан бўлган учрашувида таъкидланишича, Германиянинг бирлашишида ҳис-ҳаяжонга берилмасдан, ақл билан иш тутиш лозим. ГФР канцлерининг фикрича, ҳеч ким ҳозирги мавжуд чегараларни ўзгартириб, қўшилишни таклиф этаётгани йўқ. Ўз ўрнида Ж. Буш ҳам Хельсинкида келишилган битимга кўра, Овруп мамлакатлари ўртасидаги ўзаро чегаралар сақланиб қолишининг тарафдори.


18 мартда ГДРда парламент сайловлари ўтказилди. Шарқий Германиядаги немислар учун бу ўзига хос синов даври бўлди. Шуни айтиш керакки, ГФРдаги бир қатор сиёсатдонлар ҳам бу сайловларда «фаол» иштирок этишди ва унга ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилишди. Ғарбий Германиядаги «Иттифоқ»нинг сайловолди йиғилишларида ХДС раиси Г. Коль бир неча марта сўзга чиқди. ГДРдаги бу галги сайловларда 40 дан ортиқ турли хил партияларнинг номзодлари қатнашишди. Яқинда эълон қилинган Марказий сайлов комиссиясининг ахборотида таъкидланганидек сайловлар Халқ палатасидаги кучларни ўз ўрнига қўйишда муҳим ўрин тутди.

ГДРнинг янги ҳукумати икки немис давлатининг қўшилиши йўлида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шу мақсадда икки ҳукуматнинг бир қатор вазирлари ўзаро учрашиб, энг долзарб масалаларни муҳокама қилишяпти. Яқинда ГДРнинг бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири Петер-Михаэль Дистель ўзининг ГФРдаги ҳамкасби Вольфганг Шойбле билан учрашди. Бу учрашувда икки вазир асосан немис давлатлари ўртасидаги чегаралар хусусида фикр юритишди. Шунингдек, ГДРнинг меҳнат ва социал хизмат вазири Регине Хильдебрандт ва ГФРнинг меҳнат ва ижтимоий масалалар вазири Норберт Блюм ўзаро учрашди. Бу учрашувнинг кун тартибида ГДР фуқароларига тегишли масала муҳокама этилди.

Шу йилнинг бошида ГДРда социализмга хос бўлмаган «Ишсизлар иттифоқи» жамияти ташкил этилди. Бу жамиятга мамлакатда тугатилган давлат ташкилотлари ва турли хил вазирликларнинг собиқ ходимлари аъзо бўлишмоқда. Яқинда ўз фаолиятини тўхтатган ГДР Давлат хавфсизлиги вазирлигининг 85 минг хизматчиси ҳам тез орада унга аъзо бўлсалар ажаб эмас. Ҳозиргача «Ишсизлар иттифоқи» 70 минг чорасиз қолганларни рўйхатдан ўтказган. Уларга тегишли нафақа тайинланяпти. Йил охиригача ишсизлар сони 1 миллион кишига етиши тахмин қилинмоқда.

Ягона Германия хусусида бўлаётган фикрлар хилма-хил. Шундай бўлиши ҳам табиий. Ҳозирча биз янгича яшашга, янгича фикрлашга кўникмоқдамиз. Онгимизга йиллар давомида сингиб кетган эски фикрлардан қутулиш осон кечмаяпти.

Марказий матбуот материаллари асосида И. УСМОНОВ тайёрлаган.



Американинг ҳозирги президенти Жорж Бушни собиқ бейсболчилар командаси капитани бўлган десак ишонарсиз. Рост, у бир вақтлар дорилфунунда ўқиб юрган пайтлари бу спорт тури билан мунтазам шуғулланган. Сўнгра катта ишлар...

Сиз кўриб турган сурат аслида гулқоғоз. Худди шундай гулқоғозлар коллекциясини Америкада йиғиш одат тусига кирган. Яқин орада «АҚШ-1» деб номланган гулқоғоз президентга тантанали топширилади.

ТАСС суратлавҳаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

МАНАГУА. Никарагуа олий сайлов кенгашининг раиси Мариано Фиальос жумҳурият президенти мандатини Виолета Барриос де Чаморрога топширди. У шу йил 25 февраль куни бўлиб ўтган ялпи сайловда мамлакат олий давлат лавозимига сайланган эди. Вице-президент мандатини Вирхилио Годой олди.

Президентлик мандатини тантанали топшириш маросимида сўзга чиққан Виолета Барриос де Чаморро Никарагуада «демократияни ўрнатиш» босқичи бошланаётганини айтди. Виолета Барриос де Чаморро унинг ҳукумати миллий ярашга эришиш учун бутун кучғайратини сарфлайди, деб таъкидлади.

25 апрель куни Виолета Барриос де Чаморронинг президент лавозимини эгаллашга бағишланган расмий маросим бўлди.

ВАШИНГТОН. АҚШ Перуга наркобизнесга қарши кураш операцияларида қатнашиш учун ҳарбий ходимларни тайёрлаш ва ўқитишда ёрдам беради.

АҚШ давлат департаменти вакили Маргарет Татуайлернинг хабар беришича, икки мамлакат ўртасида мазкур масала юзасидан музокаралар тугалланди. Унинг сўзларига қараганда, Перуга 35 миллион долларлик ҳарбий ёрдам берилиши — бу АҚШ президенти Жорж Буш ўтган йил сентябрь ойида тақдим этган наркобизнесга қарши кураш кенг программасининг таркибий қисмидир. (ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ҒАЛАТИ СИНОВ

◎ АМЕРИКА. Қўшма Штатларидан биридаги ҳарбий машқлар ўтказиладиган майдонда бўлаётган воқеаларни кузатган киши бир қарашдаёқ уларни ақлдан озган, деб ўйлаши турган гап. Бу ерда тез-тез шундай воқеа юз бериб туради: «Фантом — 4» деб номланган қирувчи тайёра учиш чизиғига келтирилади, сўнг «учувчи» тайёрани жуда катта тезликда ҳайдайди ва... осмонга кўтарилиш ўрнига темир-бетондан тайёрланган «девор»га тўғри бориб уради. Табиийки, тайёранинг кули кўкка совурилади, уни бошқарганнинг ҳам. Яхшиямки тайёрани робот бошқаради.

Дарҳақиқат, тўғри-да биттаси неча ўн миллион долларга тушадиган реактив қирувчи тайёраларни атайин портлатиб юбориш... Шундай деймизу лекин бу синовдан кўзланган мақсад бошқа ёқда. Мутахассислар бетоннинг чидамлилигини синаб кўришмоқда. Реактив тайёра зарбига дош берган бетон хилидан эса улар атом электр станциялари, радиоактив ва химиявий моддалар омбори қуришади. Шунинг учун ҳам янгидан янги «Фантомлар» учиш ўрнига темир-бетон деворларга бориб урилади.

ҚУЁШ ЕР АТРОФИДА АЙЛАНАДИ

◎ ЙЎҒЕ, Ер атрофида Қуёш айланадими? Наҳотки?! Ҳа, худди шундай. Ишонмасангиз британиялик ўқувчиларнинг бирортасидан сўраб кўринг, агар имконини топсангиз.

Дарҳақиқат, Британия ўрта мактабларида ўқийдиган ўқувчиларининг ҳар учдан бири Қуёш Ер атрофида айланади, деган нуқтаи назар билан яшамоқда. Бундан ташқари уларнинг фикрича, нур тезлигидан товуш тезлиги катта эмиш. Уларда яна шундай тушунча мавжуд: радиацияли сут қайнагач зарарсиз бўларкан, ўсимликлар ўзидан кислород ажратиб чиқаришига ҳам уларни ишонтириб кўрингчи. Уддасидан чиқолмайсиз.

Бундай маълумотларга Британия олимлари 12 мактабдаги 3600 нафар ўқувчи билимини икки йил текшириб кўриш давомида эга бўлишди. Синовдан ўтганлар 11 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар эди.

ҲУСНИХАТГА ҚАРАБ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

◎ ЮҚОРИДАГИ сарлавҳани ўқиб, фақат давлат идораларига ишга қабул қилиш шу тарзда кечса керак, деб ўйламанг тағин. Йўқ, асло. Умуман АҚШда беш мингга яқин компанияда мутахассислигидан, қандай ишга қабул қилинишидан қатъи назар худди шу услуб қўлланилади. Эй-би-си телекомпаниясининг таъкидлашича ҳуснихатни таҳлил қилиш натижасида одамнинг қандайлигини — виждонлими ё ўғри, ташкилотчи ёки бошқарувчилик қобилияти бормийўқми билиб олса бўларкан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«ТЕМИР ХОТИН»— ЭКРАНДА

Саҳнага парда ортидан бир неча киши чиқиб келгач, залдаги ғала-ғовур бирданига тинди. Улар «Кино уйи»га янги яратилган «Темир хотин» фильми премьерасига ташриф буюрган томошабинларнинг диққатларини ўзларига жалб қилишди. Даставвал бош режиссёр Исамат Эргашев сўз олиб, фильмнинг яратилиш тарихи ҳақида қисқача тўхталди. Сўнгра бошқа ижодкорлар ҳам бу ҳақда тўлқинланиб гапирдилар. Залда чироқ ўчиб, ҳамманинг нигоҳи экранга қадалди. Тўғриси, кўпчилик «Темир хотин» ҳам «Ўзбекфильм» киностудиясининг аввалги фильмлари сингари деб ўйлаганди. Лекин, кино бошланишиданоқ ҳар бир одамни ўзига ром этиб олди десак, муболаға бўлмас.

Маълумки, драматург Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси саҳнага олиб чиқилиши билан катта шов-шувга сабаб бўлиб, тез орада шуҳрат қозонганди. Кўп ўтмай бу асар иттифоқдош жумҳуриятларимизнинг театрлари репертуарларидан кенг ўрин олди. Ҳаттоки, хорижий мамлакатлар ҳам асар матнини юборишни сўраб, драматургга мурожаат қилишаётганини матбуотда ўқидик. «Темир хотин» ҳақида ортиқча тўхталиб ўтишнинг зарурати йўқ бўлса керак. Ушбу жиддий комедия деб номланган асар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинганидан сўнг, бош режиссёр И. Эргашев пьеса асосида бадиий фильм яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу ниятда муаллиф Ш. Бошбековдан сценарий ёзиб беришни сўради. Драматург Маҳмуд Тўйчиев билан ҳамкорликда режиссёрнинг илтимосини ерда қолдирмади. Сценарий тайёр бўлгач, бир қанча тараддудлардан сўнг ниҳоят ўтган йилнинг октябрь ойида ижодкорлар фильмни лентага муҳрлаш ишларини бошлаб юбордилар. Шу тариқа орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, «Темир хотин» номли янги бадиий фильм яратилди. Мурод Ражабов, Дилором Эгамбердиева, Ғани Аъзамов, Жамшид Зокиров, Дилором Қамбарова сингари иқтидорли актёрлар ўзларига топширилган ролларни ниҳоятда маҳорат билан ўйнаганлар.

Хуллас «Кино уйи»да «Темир хотин» деган икки қисмдан иборат тўла метражли бадиий фильмнинг премьераси муваффақият билан ўтди.

— Фильмни икки кун давомида бир неча марта намойиш қилдик. Шуниси қувончлики, ҳар сафар зал томошабинга тўла бўлди, — дейди биз билан суҳбатда режиссёр И. Эргашев. — «Ўзбекфильм» киностудияси қошида «Юлдуз» ижодий уюшмасининг тузилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. «Темир хотин» «Юлдуз»нинг биринчи маҳсулоти. Бизга ишониб, шарт-шароитларни тўла яратиб берганлиги, фильмга етарлича маблағ ажратгани учун бу ижодий уюшмага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Фильмдаги мусиқаларни Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ёзган. Қўшиқларни хонанда Юлдуз Усмонова ва Ф. Зокировлар ижро этишган. Қизиқарли бўлиши учун «Темир хотин»ни ишлашда айрим ҳинд кинофильмларидаги қўшиқлардан ҳам фойдаландик. Муҳими, фақатгина аянчли воқеалар билан томошабиннинг руҳини туширмаслик... Агарда халқимиз ушбу кинони яхши қарши олса, бундан буён ҳам кишиларнинг дилларига яқин, ҳаётий фильмлар устида тинмай иш олиб бораверамиз.

Ичакузди воқеаларни кўриб, кулгидан сира ўзларини тия олмаётган томошабинлар фильм сўнггида негадир жимиб қолишди. Экранда оппоқ пахтазор, «оқ олтин» тераётган аёллар (улар ичида «Темир хотин» ҳам бор), пахтанинг устига ўтириб олиб, нималардир кавшаётган ранглари заҳил, нимжон, қаровсиз болакайлар кўрсатиларди. Пайкалдан пахта олиб чиқаётган «Темир хотин»нинг таҳдидли овози янгради: «Бу ерга инсон кириши мумкин эмас, заҳарли, заҳарли!» Ҳеч қанча вақт ўтмай, у пахтазорда «Инсон ҳаётининг жумбоғини еча олмадим», дея куйиб кетди... У ер бу ердан тўғри, ҳаммаси ҳаётий, ҳақиқий аҳвол тасвирланибди, деган хитоблар эшитилди ва бирданига зални гулдурос қарсаклар овози тутиб кетди.

Премьера тугагандан сўнг, айрим томошабинлардан фильм ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни илтимос қилдиқ.

Орифжон ШОМАТОВ, Тошкент Давлат дорилфунуни амалий математика ва механика факультети 2-курс толиби:

— Очиғи бу ерга мен дўстимнинг қистови билан истар-истамас келгандим. Бироқ, ушбу фильмни кўргач, «Кино уйи»га тез-тез қадам ранжида қилиб тураман, дея аҳд қилиб қўйдим. Ҳақиқатан ҳам «Темир хотин» яхши ишланибди. Фильм икки қисмдан иборат бўлишига қарамай, кулгили, томошабинни зериктириб қўймайди. Лекин, косанинг тагида нимкоса бор, деганларидек, аввал роса мириқиб куласиз-у, сўнгра чуқур ўйга ботиб қоласиз... Баъзи бир жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда, умуман, кино шахсан менга маъқул бўлди. Буни «Ўзбекфильм»нинг катта ютуғи деб ҳисоблаш мумкин.

Халқ хўжалиги институтининг план-иқтисод факультети 3-курс толиби Шуҳрат АБДУСАЛОМОВ ҳам О. Шоматовнинг фикрларини тасдиқлади.

Турсунпўлат ПИРМАТОВ, режиссёр:

— Кино комедия бўлгани учун, бошдан охиригача кулгили, завқли чиққан. Эпизодлар ўрнида. Бироқ, режиссёр кинога ортиқча воқеаларни ҳам қўшиб юборган. Масалан, қишлоқ халқининг соддалигини кўрсатишни режалаштириб, ўқ узиш съёмкасини ноўрин киритган.

Ботир НЕЪМАТОВ, доцент:

— Фильмда ҳозирги замон муаммоларининг акс эттирилиши айни муддаодир. Пахта яккаҳокимлиги, аёлларимизнинг оғирдан-оғир меҳнати, болаларнинг заҳарли оғу ютиб, турли касалликларга чалиниб, заиф, рамақижон бўлиб қолиши, умуман, қишлоқ ҳаётидаги ечимини кутиб ётган ҳамма-ҳамма муаммоларни фильм ўз ичига олган. Лекин, фикримча, охири унча тушунарли эмас. Яна нимадир қўшиш керакмиди...


«Темир хотин» фильмидаги бош қаҳрамон Кўчқор образини юксак талант ва кенг қиррали иқтидор соҳиби бўлган актёр Мурод Ражабов сиймосида кўрасиз.

— Ҳа, қишлоқда турмуш ниҳоятда оғир. Шундай бўлса ҳам, менинг қаҳрамонимнинг яшагиси келади, — дейди М. Ражабов. — У эртанги кунидан нимanидир кутиб, илинж билан ҳаёт кечиради. Бу образ орқали мен жумҳуриятимиз қишлоқларида яшаётган курорт, сайру-саёҳат нималигини билмай ўтаётган соддадил, тўпори, покиза қалб эгалари бўлган кишиларнинг типик вакилини кўрсатишга интилдим. Кўчқор ролини қай даражада ўйнаганимни халқ баҳолайди. Кўчқорда бизлар билмаган, сезмаган бир соф ҳис-туйғу бор. Бу ҳам бўлса, аёл зотига нисбатан самимий муносабат, ҳурмат-эътибор, эъзоздир. Айниқса, фильм сўнггида бу яққол намоён бўлади.

Хуллас, бизнингча, бошланиши чакки бўлмади. «Темир хотин» бадиий фильми дастлабки томошабинларида ижобий таассурот қолдирди. Буни залдан баҳс-мунозара билан чиқиб кетаётган одамларнинг чеҳраларидан ҳам англаш қийин эмасди...

Кейинги йилларда «Ўзбекфильм» киностудияси ходимлари ижодида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз бериб, «Қарахтлик», «Қандаҳорда тобланганлар», «Бўрилар» каби қатор фильмлар тезда ўз мухлисларини топиб олди. Ш. Бошбеков ва М. Тўйчиевлар сценарийси асосида режиссёр И. Эргашев ва оператор Р. Иброҳимовлар томонидан лентага туширилган «Темир хотин» бадиий фильми ҳам жумҳуриятимиз экранларига чиққанидан сўнг тез орада ўз томошабинларини топиб олишига имонимиз комил.

Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ, Азамат САФАРОВ,
ТошДУ журналистика факультети толиблари.



20 йилдан ошиқ вақтдан буён, Намангандаги 5-мактабда хитой тили ўқитилмоқда. Уни юқори синф ўқувчилари ўрганишяпти.

Болалар хитой тилини астойдил ўрганишмоқда. Бунга Пекинда чоп этиладиган «Тяо» («Кўприк») журналининг муҳаррири Ши Гуохуа иқрор бўлди. У Наманганга келгач мазкур мактабда бўлди. Машғулотларда иштирок этди, ўқувчилар ҳамда ўқитувчилар билан суҳбатлашди.

СУРАТДА: пекинлик журналист Ши Гуохуа хитой тили дарсида.

Сурткаш А. КОВТУН. (ЎзТАГ).

Зилзила ва одамлар

ИМОРАТЛАР МУСТАҲКАММИ?

Ҳар йили апрель ойининг 26-тонготарида бир воқеа ёдга келаверади. Ҳа, истаймизми, йўқми, шундай. Келаверади... Боиси бор.

26 апрель деса, содир бўлган куни тўғри келмаса-да, тағин Ашхободни эслайсан, Газли, Ленинакан, Спитак, Шароролар фожиаси кўз ўнгингда гавдаланаверади. Саноқсиз бемаврид ўлимлар, чексиз вайронагарчиликлар, аламли кўз ёшлари. Ҳамма-ҳаммаси даҳшатли. Халқимизнинг «ўт балосидан, сув балосидан ўзи асрасин» маталига «зилзила балоси» ибораси қўшилганлиги ҳам шундандир.

Битта Ашхобод зилзиласида (1948) 100 минг киши нобуд бўлганлиги яқин-яқиндагина тан олинди. Тошкент зилзиласида-чи? Қанча кишининг ёстиғи қуриди, аниқроғи гувалалар остида қолди? Тўла ва чала вайрон бўлган тарихий ёдгорликлар-чи? Жумбоқ...

Хуллас, ўша ер қимирлашлар орасида 1966 йилги Тошкент зилзиласи кўп ваҳима қилиб юборилди. Бундай ер силкинишлари азалдан бўлиб келган ва маҳаллий бинокор усталар иморат қурар эканлар, шуни, албатта, назарда тутганлар.

1946 йилнинг ноябрида ҳам худди шунақанги зилзила бўлганди. Унинг кучини шундан ҳам билса бўладики, бошқа жойларни айтмасак-да, қарийб 300 йилдан бери тик турган Кўкалдош мадрасасининг икки мезанаси чўрт узилиб, бир қаричдан-бир қаричдан сурилиб қолганди. Кейин ўт ўчирувчилар келиб мезанани қулатиб юборишганди. Ўшандан бери мадраса ҳануз мезанасиз туради. Бошқа ёриқ-туриқлар тезда тузатилган, одамларнинг ҳаловати бузилмаганди.

66-йилда эса Масковдан катта раҳбарлар келишди. Нураган, қулаган, ёрилган иморатларни кўриб, шаҳарни қайтадан қуришга фармойиш беришди ва бу иш Бутуниттифоқ маъракасига айлантирилди.

Зилзила маркази бўлмиш Қашқар маҳаллага ўша кезда атайин бориб, зеҳн солдим. Уйларнинг кўпи 80—100 йиллик синчкор иморатлар эди. Бир уй деворининг саррови ингичка олинган экан устун қадалган каваги зилзиладан ёрилиб, кўчиб кетибди. Натижада шу девор қулаган. Бир уйнинг тагсинчи тупроқ остида қолган экан, чирибди ва шунинг оқибатида синчлари тепиб юборибди. Хуллас, бутун маҳаллада шунақанги уйлар беш-олтитадан ошмади.

Бояги иморатни уста кўрмаган шогирд қурган бўлса керак — «фотиҳа олган» (диплом олган) ҳақиқий уста иморатга бундай сарровни сира ҳам ишлатмаган, бу аҳволда қуролмайман, деб туриб олган бўлур эди. Кўмилиб кетиб чириган тагсинчга келсак, 30-йилларда «қулоқ» қилиниб, уй-ҳовлиси мусодара этилган бир кимсаники бўлса керак — уйни эгаллаган ижарачилар тагсинч доимо очиқ ҳавода туриши кераклиги фарқига етмайдиган кишилар бўлган...

«Иморатни ушлайдиган ҳовон билан сомон», дейишади усталар. Ҳовон — иморатнинг тўрт деворини (ҳар қандай зилзиладан ҳам) қилт эткизмай ушлаб турадиган тирговучдир. Халқимиз шуни билган ва илгари асосан фақат синчкори иморатлар қурган. Синч, сарров, тўсин, хариларга керакли ёғоч боғ ҳовлисидаги кичик бир тераксорда етиштириларди. Ўзга юртлардан ёғоч ташиб келишга муте ҳам эмасди. Шундай қилиб, «синч уйида ҳамиша тинч» ўтираверарди.

Катта бинолар (мадраса, масжидлар) япалоқ чорси ғиштдан кўтарилганки, у бутун тузилиши, туриши билан зилзилабардошдир (механика қонунлари тақозосидан вужудга келган).

Апрелдаги биринчи зилзиладан сўнг москвалик бир амалдор ошнам уйга телефон қилиб қолганди:

— Хўш, нима гап сизларда?

— Одатдаги зилзилаларнинг биттаси бўлди, — дедим.

— Ўша Эски шаҳардаги иморатлар босиб қолган бўлса керак-а?

— Аксинча, айни шу иморатларга ҳеч нарса қилгани йўқ...

Ҳақиқатан ҳам ўша уйлар сиртдан омонатга ўхшаб туюлса-да, аслида «жони жуда қаттиқ» эди.

Одатда синчкор уй бузиладиган бўлса, томидан очила бошлайди, буни билмаган «устабузармонлар» тўппа-тўғри танкларни келтириб, иморатларга тикка солишди, уларни портлатишди ва бунинг оқибатида баъзи уйлардан ўт ҳам чиқди. Ана шу тўс-тўполон суратга олиниб, ҳеч нарсанинг андишасига ҳам бормай «зилзила манзараларидан», деб дунёга кўз-кўз қилинди.

Зилзила баҳона пойтахт аҳолиси икки баравар кўпайиб кетди, десак муболаға бўлмас.

Асли ўша йили ер қимирлаш тинганидан сўнг таъмирлаш ишларини битириш ва шаҳар қурилишларини шовқин-суронсиз, расамади билан давом эттираверишн керак эди. Шундай қилинганда асосий уй-жой фондлари сақланиб қоларди ва одамлар абгор бўлмасди.

Шарафиддин КЎНЧИ.

ТВ

ШАНБА

28 АПРЕЛЬ —

● ЎзТВ I

11.30 «Шаҳризоднинг янги эртаклари». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 12.50 Спорт кўрсатувлари. 1. «Ҳовлимиздаги стадион». 2. «Футбол чорраҳаларида». 13.50 КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокамада. 14.20 «Бу телба дунё». Наманган вилояти мусиқа драма театрининг спектакли.

* * *

17.35 Кўрсатувлар тартиби. 17.40 Янгиликлар. 17.45 «Топилмалар бюроси». Мультфильмлар программаси. 18.30 «Амалий давра суҳбати». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Экран табассуми». 20.30 Москва. «Вақт». 21.20 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидение студияларининг биргаликдаги программаси. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 22.20 «Ахборот». 22.40 «Мусиқа жавони». 23.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Мерседес» ҳайдаган одам». Бадиий фильм. 1-серия (М. Горький номли киностудия). 00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Камалак». Озарбайжонда Наврўз байрами ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Боку). 8.35 Болалар учун фильм. «Эртага чиқасанми?» («Ўзбекфильм»). 9.40 «Қадимий садолар». Концерт. 10.30 «Умринг боқий бўлсин, Ер!». 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 12.30 «Инсон кўшиқ ўйлаб топди». Шоир Л. Дербенев ижодий кечаси. 15.05 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 15.15 РСФСРнинг мусиқий фольклори. 16.00 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 17.15 Л. Бетховен. 14-(«Ойдин») сонатаси. 17.30 «Партнер». Тижорат хабарномаси. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Дўстлик меридианлари». Жаҳон биродарлашган шаҳарлар кунига бағишланган концерт. 19.00 «Лайлакча Кич». Мультфильм. 19.10 Режиссёр Л. Луков фильмлари. «Икки жангчи» (Тошкент киностудияси, 1943 й.). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.20 Хоккей. Финал группалари командалари мусобақаси 2 ва 3-даврлар. Швейцариядан олиб кўрсатилади. 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.



Саволлар беринг!

Энг новча одам ким?

Менинг бўйим бир ярим метр. Тенгдошларим олдида бўйим пастлигидан анча ҳижолат бўламан. Айтингчи, бизда бўйи энг паст одам ким? Унинг узунлиги қанча? Энг новча одам ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

Раим ЮСУПОВ.
Тошкент.

Куйбишев шаҳрида дунёда бўйи энг баланд бўлган одам истиқомат қилади. У собиқ баскетболчи Александр Сизоненко бўлиб, бўйининг узунлиги икки метр қирқ сантиметрдир.

Мамлакатимизда (балки бутун дунёда) энг паст бўйли одамнинг исми Мирон, фамилияси эса Павликдир. Чита шаҳридаги филармонияда артист бўлиб ишловчи бу йигитнинг ёши ўн саккизда.

Мироннинг бўйи 95 сантиметр бўлсада, унинг хатти-ҳаракати катта одамлардан қолишмайди. У жуда хушчақчақ, одамохундир. Яқинда унинг ҳаётида қувончли ўзгариш юз беради — Мирон уйланиш тараддудида.

Ўсма ҳақида маълумот берсангиз!

Ўсма Шарқ халқлари орасида, айниқса, ўрта осиёликлар томонидан қадим-қадим замондан бери эъзозланиб келинади. Бирорта хонадон йўқки, кафтдек жой топиб ўсма экмаган бўлсин. Ўсма фақатгина қош ва киприкларга кўрк берувчи гиёҳ бўлибгина қолмасдан, минг йиллар давомида бир қатор касалликларнинг давоси сифатида ҳам табобат оламида қўлланиб келинган. Ўсма баъзи бир касалликларга, куйганга, жароҳатланишга қарши даво сифатида тавсия этилган. Ўсма суви билан ўсимлик ёғини қайнатиш натижасида олинадиган суртмани бавосил ва тўғри ичак касалликларини даволашда ишлатганлар. Табиблар ўсма уруғи ва асал аралашмасини кўз ёшланишига қарши ишлатар эдилар. Ўсма суви билан арпа уни аралаштирилиб, ундан учуққа ҳамда хавфли ўсмалар авж олишини олдини олувчи малҳам тайёрлашган. Ўсма сувига қорилган хамир зирапчаларнинг ситилиб чиқишига ёрдам беркан. Ўсманинг енгил ошланганини буруштирувчи сифатида қон кетишида қўлланган. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ўзининг шоҳ асари бўлмиш «Тиб қонунлари»да ўсманинг ҳислатларини санаб ўтган. Ўсма таркибида танин деб аталувчи енгил ошлов ҳусусиятига эга бўлган модда, салмоқли миқдорда ранг, хлорофил ва бир қанча зарра маъдан витаминлар мавжуд. Шу сабаб ўсма суви теккан қош ва киприклар замбуруғли касалликларга бардошли бўлиб, уни тўкилишидан анча сақлайди. Тадбиркор кишилар ўсмадан муттасил, ҳатто қуритиб фойдаланиш йўлларини ҳам билалар.

Ветеранлар сафда

Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугаганига 45 йил тўлди. Бу ғалабага эришишда миллионлаб Ватандошларимиз жанг қилишган. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари кундан-кунга камайиб боришмоқда. Айтингчи, бу йилги Ғалаба байрамини уруш ветеранларидан қанча киши нишонлайди.

К. БОЙМУРОДОВ.
Бухоро.

Бу йилги Ғалаба байрамини уруш қатнашчиси бўлган олти миллионга яқин киши кутиб олади. Буларга Улуғ Ватан уруши орденини олган барча (фронтда бўлганлар, партизанлар, яширин иш олиб борганлар, Ленинград қамалида бўлганлар ва бошқалар) киради. Уларнинг бир ярим миллионга яқини уруш ногиронларидир. 42 минг киши граждан уруша ҳам қатнашган, 3922 ветеран эса Совет Иттифоқи Қаҳрамонидир. 2,5 мингдан ортиқ фронтчи эса тўла Шуҳрат Орденининг кавалеридир.

Руҳсат берилганми?

Яқинни яхши кўра олмасамда, узоқни яхши кўраман. Ўзим машина ҳайдашга жуда ишқибозман. Ҳайдовчилик курсларида ўқиш учун бир неча бор врачлар назоратидан ўтдим. Лекин кўзим туфайли комиссия рухсат бермади. Ҳозир кўзи бундайларга машина ҳайдашга рухсат берилганмиш, шу ростми!

Ойбек.

СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1989 йил 29 сентябрдаги 555-қарорига мувофиқ ҳайдовчилик гувоҳномасини оладиганлар учун янгича тартиб жорий қилинган. Илгариги врачлар комиссияси ишини турар-жойларидаги ёки иш жойидаги даволаш муассасалари ҳам бажараверади.

Энди қанд касаллиги, ранг ажрата олмаганлар ва бўйи 150 сантиметрдан паст бўлганларга ҳам гувоҳнома олишга рухсат берилиши мумкин.

Яхшигина кулишдик

Хоразм вилоят комсомол қўмитаси ташкил этган «Қизиқчи-90» кўрик синовининг сўнгги якуниловчи томошаларида патта излаб юрганлар сонсиз эди. Одамлар кулишни, мириқиб дилдан кулишни соғиниб қолишган экан.

Қизиқчилик — қадим касб. Ҳамма замонларда жамиятдаги иллатлар, одамларнинг камчилик-нуқсонлари қобилиятли кишиларга кулгу мавзусини белгилаб берган. Бугун биз — нафақат турғунлик даври, балки ушбу кун — қайта қуриш замонида яшаб қолаётган иллатлар, бюрократизм, порахўрлик, лаганбардорлик, ахлоқий бузилишлар устидан мириқиб кулаяпмиз. Қизиқчиларга ўтган сайловлар ҳам яхшигина «манба» топиб берди...

Қизиқчилар кўрик-синовининг хотимасига олти нафар қатнашчи чиқишга муваффақ бўлганди. Огаҳий номли вилоят театри томошахонасида уч соат давом этган кулги кечасида томошабинлар ва ҳакамлар «ким зўр кулдирганини» аниқлашди. Ғолиб — Жуманазар Маънazаров — Янгиариқ ноҳия комсомол қўмитаси қошидаги ёшлар маркази ходими. Шунингдек, Давронбек Сафоев ва Сафарбой Абдуллаевлар ҳам фахрли ўринлар эгаси бўлишди.

Уларнинг уччаласи жумҳурият қизиқчилари кўригида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Кулги кечасидан тушган маблағ вилоят байналмилал жангчилар кенгашининг махсус жамғармаси ҳисобига ўтказилди.

Рўзимбой ҲАСАН.
(Ўз мухбиримиз).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р — 03188. Д. — 23455.